

ВОСИТ САДУМА



Уроқон юлдузи

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„Ёш гвардия“ нашриёти
Тошкент — 1972

ДРАМАТИК ПОЭМА

М У А Л Л И Ф Д А Н

Мен бу асаримда Алишер Навоий ҳаётининг ҳали қаламга олинмаган энг муҳим, сарсону саргардонликда чиниқсан, илк девони билан буюклик кошонасининг остонасига қадам қўйиб, шеъриятда Хуросон юлдизи бўлиб танилган ва давлат арбоби сифатида шаклланган йигитлик даврини, аввало, ўз асарларига, қолаверса, тарихий манбаларга, замондош олимларимизнинг ўша давр ҳақидаги илмий тадқиқотларига суюнган ҳолда акс этдиришга ҳаракат қилдим. Мавзу ва ғояни аниқроқ ифодалаш мақсадида тарихий шахслар билан бир қаторда шартли равишда ижобий ва салбий маънодаги шахслар мавжудки, уларга қисқача изоҳ беришни лозим топдим:

АЛИШЕР НАВОИЙ — йигитлик чоқлари, 21—26 ёшларда. **ҲУСАЙН БОЙҚАРО** — шаҳзода, 24—29 ёшларда. **ҚУЛМУҲАММАД** — Бадаҳшонлик, хонанда, бастакор, олим, 50 ёшларда. **ХОСИЯТ** — Кулмуҳаммаддинг хотини, илми, меҳрибон аёл, 40 ёшда. **ГУЛИ** — Қулмуҳаммаддинг қизи, фозила шоира, асли исми Райхон. Гули — тахаллуси, 16—20 ёшларда. **ТОВОНБЕК** — Бойқаронинг отабек сардори, Хуросонда машҳур ҳарбий шахс, 50 ёшларда. **ОРҒУНБЕК** — Товонбекнинг дўсти, ҳар-

бий ишда шуҳратли саркарда, Бойқаро, Навоийга садоқатли. САМАНДАР — Навоийнинг мулозими, хушсүҳбат, озода табиат, ўрта бўйли, қотмароқ киши, 40 ёшларда (ҳазилкаш). БАДАХШИЙ — Бадахшонлик шоир, ҳақгўй, илмпарвар, тўладан келган киши, 45 ёшларда. СОҲИБ — Талаба, 24 ёшларда. ЛАЪЛИЙ — Бадахшон хонининг ўғли. шоир, 24 ёшларда. АБУ САИД МИРЗО — Хуросон подшохи, 50 ёшлар чамаси. БОҒИЙ — Шоҳнинг хос воқеанависи, кўринишида мулойим, бўштоб, лекин бақувват, маккор одам, 45 ёшларда. БОШ ВАЗИР — Салобатли, баланд бўй киши, 55 ёшларда, адолатпарвар. Сарой аҳли, амалдор, беклар, шоирлар, хонанда, созандалар, раққоса қизлар, навкарлар, меҳнат аҳиллари қатнашадилар.

Воқеа 1462—67 йиллар орасида Машҳад, Дашти Кипчок, Ҳирот ва унинг узоқ қишлоқларининг бирида ўтади.



I боб

I.

(Хоғиз Қулмуҳаммаднинг ташқи ҳовлиси, тун. Навоий шинам меҳмонхонада шам ёқиб, хонтахта устида шеър ёзмоқда. Ҳовли этагида чорпоя. Гули Навоий ёнига кирмоқчи бўлиб келади, лекин кирмай, эшик олдида ичкарига қулоқ солади)

Гули

Ижод оғушида бўлса Алишер,
Хаёлин бўлмайин, учмасин ғазал!
Бир ғазал менга ҳам висолдин афзал.

(Навоий ёзиб улгурган бир байтни овоз чиқариб ўқииди)

Н а в о и й

Кўзим тортар ҳамоно ёр келгай,

Сонур кўнглум, магар дилдор келгай.

(Навоий жим бўлгач, Гули эшикни чертади, Навоий «марҳамат!» дегач, Гули «ассалому алайкум» деб уйга киради)

Ўзим ҳам соғинчим ёдингда бу дам,

Ғазалга жилолаб тўқмоқда эдим, хуш келдинг!

(Шамни шошиб ўчиради)

Г у л и

Халал бердим шекилли кайфиятга?

Н а в о и й

Киши етса не баҳт бу оғиятга,

Кириб сен, уй мунаввар бўлди бирдан,

«Тонг отқан» деб ўчиредим шамни шундан.

(Шамни қайта ёқар)

Г у л и

Кириб буздимми бехос куйни дебман,

Сочим қилди қоронғу уйни дебман.

Н а в о и й

Гулім, юз оғарин, голиб әрурсен.

Г у л и

Бу санъатнинг Алишер, сайқали Сиз,

Бу кеч не ёздингиз билсан бўлурму?

Н а в о и й

Эшитмай сен, кўнгул шеърдан тўлурму?

Г у л и

Йўқ эди гап пойлаш одатим, аммо,
Бу сафар шеърингиз эшитиб олдим.
Эшикка яқинроқ келиб турувдим.

Н а в о и й

Мен ҳам келишингни билиб турувдим,
Бундай тасодифга жон сатқа бўлсин.
(Қўлига шеър битилган варагни олиб)
Ўша сен эшитган бир матлаъ холос.

Г у л и

Ўқинг, кўнглум бу дам шеърхонлик истар,
Давом этсин, берай авжига илҳом.

Н а в о и й

Қўзим тортар ҳамоно ёр келгай,
Сонур кўнглум, магар дилдор келгай.

Г у л и

(мушоира бошлаб)

Сени қумсаб нигоринг бул томонга,
Хабарсиз сен ўзинг, бисёр келгай.

Н а в о и й

Шукурким ҳар сафар хонамга дилдор,
Кулиб боримда хуш гуфтор келгай.

Г у л и

Сенинг бирлан кўнгул бундоқ ўсибдур,
Үнга сенсиз кенг уй ҳам тор келгай.

Н а в о и й

Димоқда гул ҳиди-ю, ўнг қабоғим
Учар, яшнаб бугун гулзор келгай.

Г у л и

Очолмай кетса ҳам ҳар бор кўнгулни,
Яна журъат қилиб, такрор келгай.

Н а в о и й

Бўлди, Гулим, сенда илҳом ҳамиша бир булоқдур,
Ҳозиржавобликни сендин ўрганган яхшироқдур.
Эшиитмадим Хуросондин чиққанини шоира,
Ажаб эрмас ўзинг етсанг бу юксак муддаога.

Г у л и

Кўнглумда тариху мусиқа ва шеър,
Қай бири ғолиблиқ қилур менга сир.

Н а в о и й

Бор илминг айлагил шеърингга пардоз,
Сендаги фасоҳат, мўъжиза санъат,
Оlam қизларининг гўзал мулкидур.

Г у л и

Мени ортиқ мақтаб юбордингизку,
Ёзганим ҳаммаси менга номарғуб.

Н а в о и й

Бу талаб ижодга сайқал бахш этур,
Эртага бугундин ёзмоқчисан соз.

Г у л и

Сиз кўриб беришга майл этсангиз бас.

Н а в о и й

Тонггача ўқисанг тинглашга шаймен,
Ширин нутқинг берур ҳар бир сўзга жон,
Ўзингни кўриш ҳам кўнглимга ором.

Г у л и

Алишер, ўтиш йўқ, шеърдан нарига.

Н а в о и й

Муҳаббатсиз кўнгулдан чиқмағай шеър,
Олғай ижодим нафас Гул сен билан.

(Навоий қўшиқ айтар, Гули қўшилади)

Ё лутфу карам майлини жононага бергил,
Тоқатни ва ё мен дили гирёна га бергил.

Г у л и

Кўнглингни агар ишқ ўйлида чоғладинг ошиқ,
Диққатни фақат борича парвонага бергил.

Н а в о и й

Етмоқ тиласанг васлига бардош ила йўл бос,

Г у л и

Берганда кўнгул ошиқи мардонага бергил.

(Майда ўрилган соchlарини ушлаб нозланади).

Кўнгул эрмас ўсди соч ҳам бу тунда,

Қувончимга сифмай яйрашларимдин.

Энди кетмайсиз, айтинг, Алишер!

Н а в о и й

Ҳозирча кетамен, кетмасам бўлмас,
Менга Астрободдин шумхабар келди.

Абу Саид Мирзо ўз шартин бузиб,
Яна бир тогамни қатл этмиш, ҳайҳот!

Гули

Оҳ! Қандай мудҳиш бу, шоир бағрига
Тиф уриб, қулатмоқ, қаттол ваҳшийлик.

Навоий

Зулмда кўз ҳам йўқ, дил ҳам йўқ, Гули,
Эшитмас фарёдни, қулоги ҳам кар.

Гули

Толиб-ул илмсиз ҳайронмен, Сизга
Мирзо ғазабининг боиси недур?

Навоий

Ҳар куни осилиб, чопилаётган —
Кишилар гуноҳкор деб ўйлайсанми?
Йўқ. Улар шубҳа-ю, иғво қурбони.
Бунда қолсам келур менга ҳам шу кун.

Гули

Қелмасин ундай кун, келмасин асло!
Яхши ният қилинг, мен муштипарга
Тегмасин ногаҳон хазон еллари!

Навоий

Нечора, сенга мен қайгуларни тоғ,
Қилгандан кетганим эрур яхшироқ.
(Ёлғиз танбур навоси эшитилади)

Гули

Ана субҳи содиқ, танбурга тил бермоқда дадам, оҳ,
нақадар маъюс, ҳазин бу куйлар, худди
дилгинамнинг ўзи.

Сиз яна кетсангиз, ўйларим менинг
Бир лаҳза ором ҳам бермай қўяди.

Алишер

Яқинда қайтамен, ўйланма Гулим,
Унгача номалар йўллаб турманен.
Ижодинг йироқдин қўллаб турманен.
Ўйларинг шеърингда бўлсин доимо!

(Куй аста-секин олислагандек бўлиб тишади).

Гули

Таскин бермоқчисиз, таскин кифоя
Этармиди севган түғёни дилга.
Куй тинди, бу ёққа чиқади дадам
Хуш қолинг, Алишер!

Навоий

Яхши бор тонгдайим, тонгнинг бағрига,
Баҳордек гўзалим, умримнинг гули.

(Гули чиқади, саҳнада Хосият кўринади, нонушта ҳозирлаб юриб, Гулини боғда кўриб, қувончини куйга солади)

Хосият

Бир гул ўтқаздим ҳаёт бўстонига орзу билан,
Парвариш этдим меҳр дарёси — нур, ёғду билан.
Топди ораста камолким, қилгудек кўрган ҳавас,
Куйдирур оҳуни шаҳло кўзлари кулгу билан.
Оқила, зеҳни—қуёш, ундан олур ашъор жило,
Сўзлариким марварид, ҳар байти тенг инжу билан.
Яйрасин, кўрсин ҳаёт, мен ҳам кўрай орзу, фақат
Ўтмасин ҳижронда умри ўртаниб қайғу билан.
(Кўйлашдан тўхтаб)
Алишербек, ҳо Алишербек!

Н а в о и й

Лаббай, онажон!

Х о с и я т

Чиқа қолинг ўғлим, нонушта тайёр!

Н а в о и й

Мана, ҳозир!

(Қулмуҳаммад чиқиб, чорпояга ўлтиради)

Қ у л м у ҳ а м м а д

Алишер қани, чақирмадингизми? Гули ҳам йўқ.

Х о с и я т

Алишербек ҳозир чиқади, қизингиз боғда бўлса кепрак.(Навоий уйдан чиқиб)

Н а в о и й

Ассалому алайкум!

Қ у л м у ҳ а м м а д

Вaalайкум ассалом, яхши дам олдингизми, Алишер.
Еки бу тун ҳам қалам уйқу бермадими?

Н а в о и й

Отахон, мен қалам юриб турганда роҳатланамен,

Қалам юришмаса уйқумда ҳам ҳаловат бўлмайди.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Йўл таассуротларингиз қандай бўлди?

Н а в о и й

Йўл-йўлакай мудраган шаҳар, вайрона қишлоқ, муҳтожлик бевақт асо ушлатган одамларни кўриб, асаб тор-

ларим шундай тортилдики, босган йўлимни ҳам билмай қолдим, отахон!

Қулмуҳаммад

Буларнинг ҳаммаси — адолатсизликдан, ўғлим, ҳали жаҳон шоҳи одилни кўрган эмас, ўша Искандар зулқарнайн ҳам, Ҳонуран Рашид ҳам золим бўлганлар.

Навоий

Улар фақат нақл, эртаклардагина адолатли денг.

Қулмуҳаммад

Шундай ўғлим, ҳалқ одил шоҳни орзу қилиб, эртак, қиссалар айтган-у, ҳануз бу орзу-орзулигича қолиб кела-дур.

Навоий

Отахон, орзу қилиб қўявермасдан, унга интилса, бир кун етмоғи муқаррар.

Қулмуҳаммад

Курра чаппасига айланмас экан, адолат борасидаги орзу ушалиши мушкул. (Гули боғ томондан чиқиб келиб, таъзим билан салом бериб ўлтиради).

Кел қизим, янги ғазал битган бўлсанг эшитайлик.

Гули

(уялиброк)

Бу гал булбулни мадҳ этдим, дадажон.

Хосият

Булбулдай тилларингдан ўргилай, ўқийқол. Алишер-бек ҳам эшитсин, зар қадрини заргар билади, қизим.

(Гули дафтарини очиб ўқийди)

Г у л и

Гулбонг ураг саҳарда, гулларга вола булбул,
Куйлаб қилурми гулга дардин ҳавола булбул.
Кулранг бўлибди куйлаб, куйларнинг оташидин,
Парвоси йўқ ўзига, муроди лола булбул.
Тезроқ тонг отдирај деб, нурларга иштиёқда,
Тунни чўзилганидин айлайди иола булбул.
Шабнам тушибди гулга дер, гулчи билмас аммо,
Ҳар тонгда қилганин кўз ёшини жола булбул.
Қўрмади ғунчаларнинг табассумин бу тонг ҳам,
Тонгни овозасидин кетиб хаёла булбул.
Қушлар тилини билсам Аттор мисоли, дардинг
Қилардим шарҳ этиб, бир ажиг рисола булбул.
Сенга ташаккурим кўп, куйнг ҳароратидин,
Гулим юз очди яшнаб етди камола, булбул.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Офарин қизим, энди сени шоира десам бўлади, рост-
мона ғазал битибсан.

Н а в о и й

Гули қалби — шеър хазинаси, уни элга етказиш ке-
рак.

Х о с и я т

Сиз бу ерда бўлганингизда кўмаклашар эдингиз, бу-
нинг ғазалларини кўпроқ мен тинглаймен. Лекин фикр
айтишга ожизмен. Энди Ҳиротда турсангиз бўлмайдими,
Алишербек?

Н а в о и й

Мана, отахоним қол десалар, қола берамен.

Қулмуҳаммад

Ҳозирча бўлмайди, Абу Саид Мирзо аслзодаларнинг кўпига шубҳа билан қарайдур, Бойқаро ва тоғалари туфайли Алишер ҳам шубҳа остида... (Кўчадан бирор чақиради, ҳаммаси жим, Қулмуҳаммад бориб, эшикни очади)

Қулмуҳаммад

Э, Орғунбек, келинг. Қандай шамол учирди, биз томонга. Қани, марҳамат! (Навоий ҳам Орғунбек эканини эшитиб, эшик томонга йўналади).

Оргунбек

Вақт зиқ, сизга бир нохуш хабар билан келдим.

Навоий

Ассалому алайкум! Бек оға, саломат бормисиз.

Оргунбек

Ваалайкум ассалом, кўп яхши, ўзингиз ҳам шу ерда экансиз. (Кўришади)

Қулмуҳаммад

Айтинг, нима хабар эди, юрагимга ғулув солиб қўйдингиз?

Оргунбек

Алишер, Сиз ҳозироқ Ҳиротдан чиқиб кетишингиз кепрак. Буни менга бош вазир тайинлади.

Навоий

Раҳмат, ҳозир йўлга чиқамен. Бек оға, бу тинимсиз жангур-жадалларда Шаҳзодани унутиб юбордингизми?

Орғунбек

Шаҳзода Бойқарога бу ерда кўпроқ фойдам тегмоқда, негаки, халқимиз душманнинг тошида бўлғунча, ичидага бўл, дейди. Қани, бўлинг, ўзим бехавф ергача кузатиб қўямен.

Навоий

Бек оға, қандай хавф, билмадингизми?

Орғунбек

Сарой фитнаси, Алишер, бунга сизнинг Абу Саид Мирзо йўқлигига Ҳиротга келганингиз сабаб бўлган. Хавф жиддий, бўлақолинг.

Навоий

(Орғунбек чиқади, Самандар киради)

Оға, сизга эрталаб етиб келинг девдим-ку?

Самандар

Сиздин кейин Мавлоно Лутфий яна безовталаниб, бизларни анча қўрқитди. Эрталаб шу ҳолда ташлаб келгани бўлмади.

Навоий

Илоҳим, давримиз виждони, шеъримиз Салмони саломат бўлсин. Оға, сиз нарсаларни олиб, отни жабдуқланг, йўлга чиқамиз.

Самандар

Ҳиротда анча турамиз деган эдингиз, яна нима бўлди?

Н а в о и й

Худойим яна бизга фурбатни муносиб кўрди. (Самандар хонага кириб хуржунни олиб кўчага чиқади, ичкаридан Хосият, Гули чиқади)

Х о с и я т

Дадаси нима гап, тинчликми?

Қ у л м у ҳ а м м а д

Тинчлик отинча, фақат Алишернинг ҳозир Машҳадга жўнаб кетиши зарур бўлиб қолди. Алишер, қани юринг, мен тайёр.

(Кўча томонга чиқади)

Х о с и я т

Яна бу қандай кўргулик, Алишер. Шунча тортган мусофирилик етмасмиди, худойим, Алишерга најот бер.

Н а в о и й

Койиманг онажон, ҳозир Абу Саид билан Ҳусайн Бойқаро Хурросонга сигмай бир-бири билан жанг қилишмоқда. Менинг бу саргардонлигим Шаҳзода Бойқарога дўстлигимдандир. Шайх Саъдий билиб айтганда:

Сиғар бир ҳужрага ўн икки меҳмон,
Вале сиғмас бир элга икки Султон.
Хайр, азиз меҳрибонларим!

Г у л и

Алишер, йўлингиз бехатар бўлсин,
Бизга ҳам тақдирда тонг отар бўлсин.
Хайр!

(Навоий чиқади)

II.

(Ҳашаматли сарой. Тахтгоҳда Абу Саид Мирзо ва бош вазир)

А б у С а и д

Мулки диёримизда не хабарлар бор, вазири калон?

В а з и р

Оллога юз шукур, омонлик шоҳим,
Хурросон осуда, фаровон, бироқ...

А б у С а и д

Очиқ айта беринг, чайналмай тезроқ!

В а з и р

У кун Балх ҳокими, фуқаро пир деб —
Атаган Рожийни зиндан қилибди.
Бу йўсин сиёsat тутиш-ла элни,
Сизга эл қилмасдан ёв қилур, шоҳим.

А б у С а и д

Эшитғонмен, даҳрий, шум ният Рожий,
Нодон халқ кўнглиға ғулғула солмиш.

В а з и р

Алломай замон мавлоно Рожий,
У доим бир хилват гўшада сокин,
Амалга интилмай, илмига амал
Қилувчи фан маҳрин говвоси эрур.
Бу — жоҳил шайхларнинг фитнаси, холос.

А б у С а и д

Унингча ер тинмай айланар эмиш,
Шакли тарвуз эмиш, ақлсиз тентак.
Айланса, нега биз тушиб кетмаймиз.

В а з и р

Бу илмий фараздир, ҳатто Арасту,
Суқрот ҳам шу ҳақда қайд этиб кетган.

А б у С а и д

Мирзо Улугбекнинг боши шу боис,
Ислом қиличидагашартта кесилди,
У улуғ шоҳ эди, бу — гадобачча.

В а з и р

Шаҳаншоҳ, афв этинг, унга раҳм айланг,
Ҳоким — адолатсиз, Балхда ғавғо кўп.

А б у С а и д

Шу бир аҳмоқни деб давлатимизнинг маҳкам тутқич-
ларин айблаш, кўрлик.

Салтанат ҳамиша халқ билан эмас,
Асилизода, беклар ила мустаҳкам.
Давлат раҳимдиллик билан-мас, вазир,
Ҳукмронлик билан эрур барқарор!
Уни мен қиличга топширадурмен.

В а з и р

Шоҳим, бир олимга қилинган зулм,
Бутун бир ўлкани ғазаблантиур.
Илм, маърифатга суюнган шоҳнинг
Йўлу салтанати чарогон бўлур.

А б у С а и д

Менга илм аҳлидан кўра шариат пешволари зарур-роқ. Бунга амал қилган Шоҳруҳ Мирзо қирқ йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилди. Биз ҳам шу йўлни танладик, тахтим таянчиғи дину шариат.

В а з и р

Марҳаматли шоҳим, мен ўз бурчимни адо этдим. Афв этсинлар, ҳамиша мен Шайх Саъдийга амал қи-лурмен. У зот дебдурким:

Шоҳларга ўз гапин ўтказган киши,
Лозимдур яхши гап топиб айтиши.

А б у С а и д

Сиз топиб эмас, қопиб сўзлайсиз, шеърлар ўқиб бо-шимни қотирасиз. Ҳозир кўнглумга қил сиғмайди, ора кунда бир ғалаён...

В а з и р

Уша ғалаёнларнинг манбай—адолатсизлик, шоҳим. Вилоят бекларини ўз ҳолига қўйиб бўлмайди. (Шошиб Девонбеги киради)

Д е в о н б е г и

Балхда ғалаён шоҳим. Фуқаро маҳкамани тош бўрон қилубдур, Рожийни зиндондин қутқарибдур.

А б у С а и д

— Нима?

В а з и р

Ана, оқибати, шоҳим.

А б у С а и д

Арслонбек ўз йигитлари билан жадал Балхга йўл олсин, менинг маҳкамамга тош кўтарадиганларнинг жа-зосини берсин, Рожийни топиб зиндан қилинсин. Вазир Арслонбекка ваколат ёрлиғи беринг.

Д е в о н б е г и

Бош устига, шоҳим. (Вазир, Девонбеги чиқади)

А б у С а и д

Бошим қотди, ҳамон кўнглим ғулувда,

Не тадбир этгулик билмам бу чоғда.

Бобом тузган у давлат қолди қайда?

Уруш, жангларда бўлди майдა-майдा.

(Боғий киради, ер ўпгандай таъзим билан бориб, шоҳ оёғини икки қўли билан силаб, юзига суртади, сўнг шоҳ ишораси билан ўрнидан туради)

Нима топдингиз?

Б оғ и й

Шоҳим, хушхабар.

А б у С а и д

Сўзланг, эшитамен.

Б оғ и й

Инжил бўйидаги такяда дарвешона кийиниб олган Товонбекни кўрдим.

А б у С а и д

Товонбек! Бойқаронинг отабеги, ишонган тоғи, маш-ҳур лашкарбошини-я, ростми?

Б оғ и й

Рост, ўшанинг ўзи, шоҳим, кўзимга ишонурмен. Машҳадга бориб, мозори имом Ризода турурини ҳам айтди, ўз қулогим билан эшилдим.

А б у С а и д

Қани ўзи, менга унинг ўзи керак, кўрдингизми, у Навоий ёнига бормоқчи.

Б оғ и й

Кўздан қочирмай, қўлга олишини навкарларга айтдим-у, бу хушхабарни Сизга етказишга шошилдим, шоҳим.

А б у С а и д

Боринг, тезроқ ўзини келтиринг, ишни чала қилманг, биласизми, у Товонбек!

(Боғий чиқади)

Агар Товонбекни ўз томонимга оғдира олсам, қўшиним енгилмас бўлиб, қўлдан кетган элларни қайта тасарруфимга киритар эдим. Ҳа, унингсиз Бойқаро ҳам дағдагасидан тушиб, тождан умид узармиди!? Ишқилиб, қўлдан чиқиб кетмаган бўлсин. (Бир бек Товонбекни олиб керади)

Б е к

Мана шоҳим, ўз оёғи билан келмаса, бу тог бургутини тутиш қийин эди.

Т о в о н б е к

Ассалому алайкум, шоҳим!

Абу Саид

Вaalайкум ассалом, э, бу саркарда Товонбек-ку!
Сизга нима бўлди, бу не аҳвол? Сизни омади келишмаган Бойқаро ранжитдими? Ё ботиний кўзингиз очилиб, тўғри йўл изладингизми?

Товонбек

Шоҳим, жангларда ноҳақ қон тўкканимдан пушаймонмен. Энди қолган умримни оллои таолога тавба-тазарру қилиб, дарвешликда ўтказмоқчимен.

Абу Саид

Сиздай тадбиркор, баҳодир саркардага дарвешлик ярашмайдур. Менга тавба қилиб келсангиз, гуноҳингиздан ўтиб, ўзимга лашкарбоши қилурдим.

Товонбек

Шоҳим, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мен Сизга ҳақ гапни айтдим. Агар мен амал истасам, бош эгиб муборак останангизга келган бўлурдим.

Абу Саид

(Ҳазил қилиб)

Мавлоно Лутфий ғазалини бузуброқ айтдингиз, асли бундай:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Товонбек

Бу байтни эслашларининг боиси не эканини билол-мадим.

А б у С а и д

Фазал ишқи Алишердан бир оз бўлса ҳам юққандир демоқчимен.

Т о в о н б е к

Кошкийди, Навоий суҳбатига мұяссар бўлсам. (Вазир Шайхулислом киради)

А б у С а и д

Шу ниятда Навоий олдига бормоқчи экансиз-да.

Т о в о н б е к

Навоий олдига! У киши бу ердамилар, билсан зиёратларига борган бўлур эдим.

А б у С а и д

Бас қил, тулкиликтин, билурмусен кимнинг олдида турурсен?

Т о в о н б е к

Билурмен, чоҳ ёқасида, шоҳ олдида туурмен.

А б у С а и д

Тилингни қилич қилма, бўйнингга тушур. Бойқаро қандай топшириқ билан юборди?

Т о в о н б е к

Бойқародан кетганимга анча бўлди, шоҳим, неча кундирки, Ҳиротда ҳароботийлар била дарвешлар тарийқини ўрганадурмен.

А б у С а и д

Айтасен, йўқ эрса товонингни ёриб туз тиқдирамен.

Товонбек

Оллодан беамир кишига тикон кирмас деб эшитғонмен, худойимнинг менга ҳоҳиши шу бўлса, кўнмоқдин ўзга чора йўқ, шоҳим.

Абу Сайд

Олиб боринг, зинданга ташланг, ақлини пешлаб олсин. (Товонбекни олиб чиқадилар)

Вазир

Кўпдан берли Сизга бир фикрни айтмоқ тилардим, ҳозирги воқеа они ёдимга туширди.

Абу Сайд

Не фикр эди, айтинг.

Вазир

Сиз Мавлоно Навоийни сиёсатга қўшурсиз. Унинг хаёли ёлғиз илм, ашъор ила банд. У шеъриятда ҳозир Хурросон юлдузи. Шоир учун бу ҳар қандай мансабдан ортиқ. Сиз уни саройга жалб этсангиз яхши бўлурди.

Абу Сайд

Заҳарли илонни олиб, қўйнингга сол деганингизми бу, вазири калон. Унинг Бойқаро билан дўстлиги-чи, тоғаларини қатл этганим-чи. Буларга Навоий бефарқ қарайди деб ўйлайсизми?

Вазир

Навоий қўлида қилич эмас, қалам бор холос, ундан чўчимасангиз ҳам бўлади.

А б у С а и д

Йўқ, вазири калон, баъзан қалам қиличдан ўткирлик қилур. Ўша қалам билан Бойқаро йўл топмоқда.

В а з и р

Агар Сиз ўйлагандек бўлса, аллақачон Бойқарога қўшилиб Сизга қарши жанг қилғон бўлур эди. Аксинча, у Машҳадда неча йилдурки, ёлғиз риёзат чекур. Унинг саройингизга келиши давлатингиз учун зўр куч, у орқали Бойқаро билан ҳам муросага келурсиз, ёки уни қўлга тушириш осонлашур. Ўйлаб кўринг, шоҳим.

А б у С а и д

Навоий мансаб, пул учун Бойқарога сотқинлик қилмайди. Овора бўлманг, саройга чақирмаймен. Ҳозирча унинг пойтактимиздан йироқда тургани маъқул. Ўтган йили Ҳиротга менинг йўғумда келиши, унинг ёмон ниятидан далолатдур. (Шайхулислом бир парча қофоз олиб ўқийди ва шоҳга беради)

Ш а й х у л и с л о м

Гул вақти мұяссар ўлса гулфом қадаҳ,
Андін сүнг тутса бир гуландом қадаҳ.
Манъ айласа барча аҳли ислом қадаҳ,
Қоғирмен, агар қилмасам ошом қадаҳ.

Бу қабоҷатли маънийни айтишга тили борган даҳрий, шаккок Навоийни бунча мақтадингиз, уни ислом барқарор салтанат остонасига ҳам яқин келтирмаслик керак.

А б у С а и д

Ана сизга, Навоийнинг заҳарли тили.

(Эшик оғаси киради)

Эшик оғаси

Шоҳим, Хоразмдан чопар!

Абу Сайд

Яна не ғавғо! Ҷақириңг, кирсинг.

(Эшик оғаси чиқади)

Бобомлар тахтига ўлтирган кундан
То бу дам, йўқ эрур тинчу оромим.
Зилзиланинг худди силсиласидек,
Тахтимда тебраниш давом этади.
Бирин боссам, бири кўтаради бош,
Яна отда юрмоқ, қилич тўлғамоқ.
Яна бош кўтарган чиқар Бойқаро!
(Чопар киради, шоҳ оёғига ташланиб)

Чопар

Шоҳим, Хоразм алдан кетди, Бойқаро босди. Ҳокими
мутлақингизни қатл этди.

Абу Сайд

(Ғазаб билан ўрнидан туриб)

Қўрқоқлар! Хоразмдай гўзал ваҳони тасарруфимдан
кетказдилар. Баттол Бойқаро, сен мен билан тахт та-
лашмоқчисан! Самарқандда эрканимда уни хибс қилғон
эдим. Онаси Фируза бегим Ҳиротдан келиб ялинди, қў-
йиб юбордим. Ўшанда ўлдирганимда бу юзи қарони,
бунчалик ғавғо бошимга келмас эди. Вазира калон Сар-
дорга айтинг, сафарга ҳозирлик кўрсинг. Бойқаро устига
қўшин тортурмиз. (Вазир дарҳол чиқади.)

Сафаримнинг кушояиши бу ёқдин чиқди, бу менинг
омадим, Товоңбек қўлимда.

Б оғ и й
(кириб)

Шоҳим яна хушхабар...

А б у С а и д
Офарин, сўзланг!
Б оғ и й

Абдулхайрихон Бойқарога ёрдам беришдан бош тортибди чоғи, Сизга элчилар йўллабди.

А б у С а и д

Қизиқ, Бойқаро умид билан хонга қайин ини бўлган эди, Бойқаронинг Хоразмга бу қадар тез ҳужум қилишида Абулхайрихоннинг мадади бор деб ўйлаган эдим. Ёки элчилар юборишида бирор сир бормикин?

Б оғ и й

Қудратингиздан чўчиган халос, иншоолло бошқа сир йўқ, шоҳим.

А б у С а и д
Айтганингиз келсин.

Б оғ и й

Шоҳимиз омон бўлсинлар. Элчилар қабулингизга маътал.

А б у С а и д
(Чапак чалади)

Мавлоно, вазири калонга айтинг, элчилар шарафига хурсандчилик бунёд этсин.

Б оғ и й

Хўп бўлади, шоҳим. (Боғий чиқиб, эшик оғаси киради)

А б у С а и д

Аркони давлатимиз, сўнг элчилар кирсин!

Э ш и к оғ а с и

Маъқул, шоҳим. (Эшик оғаси чиқади)

А б у С а и д

Шайхим, ишқилиб, Абулхайрихон элчилари чин бўлсин.

Ш ай х у л и с л о м

Хон ҳам аҳли ислом, иншоолло чин бўлғай! (Аъёнлар, сўнг қабулга олиб кирувчи вузаролар билан элчилар киради. Абу Сайдга таъзим қилишади. Бош вазир ишораси билан Абу Сайд ўрнидан туради)

Б о ш э л ч и

Улуғ шоҳ, Олтинўрда давлатининг буюк Султони Абулхайрихон Сизга дўстона ёрлиқ ва совғалар била бизни ҳузурингизга юборди. (Бош элчи ёрлиқни беради, иккинчи элчи бир қилич бериб)

И к к и н ч и э л ч и

Мана бу голиб, табаррук қилични Сизга хонимиз совға қилдилар. Табарруклиги ондинким, бу қилич била хон Тўхтамиш ҳам ёв чопмиш бўлған.

У ч и н ч и э л ч и

Хонимизнинг бошқа совғалари ташқарида кўздин кечиришингизга мунтазир.

А б у С а и д

Хуш келибсизлар, дам олинглар. (Қарсак чалади, май тортилади. Мусиқа, раққосалар қўшиқ айтиб ўй-найдилар, Қулмуҳаммад ҳофиз ўлтирган ерида танбур билан ҳазин ашула айтади)

Қўй авайлаб ким қадам бу ерда султонлар ётур,
Эл учун жангларга кирган марди-майдонлар ётур.
Дебсима, оҳиста бос, бошинг қўйиб тупроқни ўп,
Дарди ҳижрон бирла кетган бунда жононлар ётур.
Ерни қуч, солгил қулоқ, овози ҳар ёндин келур,
Ҳақ йўлига ўзни тиккан бағри гирёнлар ётур.
Аста арт чанг бўлса ҳам сен, анда балки ёру дўст,
Ота-онанг бирла қондош меҳрибон жонлар ётур.
Энди ман-манлик била иғвони қўй, ибрат сенга,
Ҳар қарич ер бағрида минглаб чин инсонлар ётур,
Бўлма мағрут, ерга боқ бу кўҳна олам, сен нима?
Остида аждоду тарих, шаҳру бўстонлар ётур.

(Яккахон раққоса рақсга тушади)

А б у С а и д

Вазирлар, элчиларни Боги Жаҳонга олиб боринглар, анда базм бунёд этиб кўнгулларини чоғ этинглар. Азиз элчилар, биз ширкор ихтиёр қилганмиз. Ширкорда ёрлиқ била танишиб, қайтганимиздан сўнг сизларни мусоҳабага чақиurmиз.

Б о ш э л ч и

Бизнинг ихтиёrimiz ихтиёringизда, элчининг бир сифати — сабр, Шаҳаншоҳ! (Ҳаммаси чиқади, Бадахшийни тўхтатиб)

А б у С а и д

Мавлоно, тарихимизни назм шодасига териб бўлдингизми?

Бадаҳший

Шоҳим, анча бўлди тамомладим, энди таҳрир билан оққа кўчирмоқдамен.

Абу Сайд

Китобни тезроқ қаламдин чиқаринг, унга мунтазирмиз.

Бадаҳший

Албатта, тезлатурмен, шоҳим. (Бадаҳший чиқади)

Абу Сайд

Энди сиз, Навоийнинг изига тушинг, қолган излар ҳам ундан топилур.

Бофий

Навоий билан таниш эмасмен.

Абу Сайд

Сизга йўл очиқ, шоирсиз, танишинг, ишончига киринг! (Вазир ва сардор киради)

Сардор

Шоҳим, қўшин сафарга тайёр!

Абу Сайд

Мавлоно Бофий, мунажжимни чақиринг. (Бофий чиқади)

Бойқаро Товонбекни бу ёқса юбориб, Хоразмга лашкар тортиши таажжуб. Товонбекни Машҳадга бориш нияти ундан ҳам қизиқ. Ҳеч нарса тушунолмай қолдим. Девонбеги тезда Машҳад ҳокимиға маҳфий нома йўлланг, Навоий назоратга олинсин. (Мунажжим киради)

В а з и р

Бундай қилсак, улар дўппи ўрнига бош олмасмикин.

А б у С а и д

Номада ниятимиз аниқ ёзилсин.

Д е в о н б е г и

Айтганларидек битилур, шоҳим.

А б у С а и д

Муҳтарам мунажжим, нужумлар ҳаракати сафари-
мизга монелик қилмайдурми?

М у на ж ж и м

Сафарингиз олдида ғанимнинг бир сардори тутилиши
ўзи зафари нусратдин нишонадур. Ҳозир кўқда оторуд
йироқлашиб, сурайё чарақлаши бошланган. Қаёққа қўл
чўзсангиз оласиз. Ўз юлдузлари ҳам тинч, нурафшон.
Демак, айни чоғда қилинган сафар, бўлур музaffer.
Омин!

Шайхулислом

Омин, шоҳимизга олло ёр, пирлар мададкор бўлиб,
жангда ғалаба нашъасидан кўнгли тўлиб қайтсин, олло-
ҳу акбар!

А б у С а и д

Иншоолло! (Ҳамма шоҳга оқ йўл тилаб, умумий қў-
шиқ айтади)

С а р о й а ҳ ли

Шоҳимиз бўлсин омон, бўлсин омон,
Тургунча токи жаҳон, токи жаҳон.

А б у С а и д

Умримиз жанглар билан ўтмакдадир,
Зарбимиздин ёвни ер ютмакдадир,
Билмадим кўнглум қачон роҳат топар,
Қўлу белдин аста куч кетмакдадир.

С а р о й а ҳ л и

Енггану енгилмаган лашкар билан,
Ҳар бири Рустамга тенг аскар билан,
Тикланиб ҳоқон бобонгиз шуҳрати,
Қасрингиз тўлғуси олтин, зар билан.
Бу сафар қутлуғ сафар, қутлуғ сафар,
Шоҳимиз топсин зафар, топсин зафар!

(Аркони давлат икки томонга саф тортиб туради.
Шоҳ, вазир, сардор, Шайхулислом, мунажжимлар ора-
дан ўтишади. Ташқарида чалинаётган карнай, сурнай,
ноғараларнинг жанговар тароналари эшитилиб, маро-
симга дабдаба бағишлайди. Сарой аҳллари ҳам шоҳ
кетидан чиқа бошлайди).

* * *

III

(Навоийнинг Машҳад шаҳри мадрасаларининг бири-
даги Абулқосим Бобир тириклигига тайин этилган ҳуж-
раси, кенг, яхши жиҳозланган, токчаларида китоб. Қич-
кина раҳл-айри курсичага китоб қўйиб мутолаа қилиб
турган чоғда парда очилади)

Н а в о и й

(Китобдан бош кўтариб, хаёлга ботади)
Кичик ёшдин эди манга ўқиш хўб,

Зеҳн ҳам хотирам ўткир эди кўп.
«Агар бир қатла кўрдим ҳар сабоқни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул вароқни».
Арасту давридин токим бу айём,
Қаю фанда китоб бўлса саранжом.
Барин эзгу билиб кўздин кечирдим,
Бу уммондин кўнгулга сув ичирдим.
Вале бунча чекиб ранжу риёзат,
Нишоне топмадим, қайдা саодат.
Муродим акс ўлиб юзланди ғамлар,
Кемирмакда танам қайғу, аламлар.
Яна нотинч эрур элу элат ҳам,
Темурнйзодалар ҳар ерда бардам.
Ки тож киймоқ учун жангу жадалда,
Тижорат, маърифат кўпдин қамалда.
Шу боис илм аҳли бу замонга,
Қочурлар лаънат айтиб ҳар томонга.
Йўқ эмди ҳоми-ю устозларим ҳам,
Азиз ёронлару дамсозларим ҳам,
Мураббийлар тамоми ерга борди,
Тогойиларнинг боши жангда қолди.
Ўзим ёлғиз бу ерда ғам чекармен,
Бу ғамдин ҳар нафас бир бор чўкармен.

(Ўйга толади)

Фақат бир дил юпончим хуш Гулидир,
У ҳам Ҳиротда ўртамоқда дилгир...

(маъюс ҳолда қўшиқ айтади)

Навбаҳор айёми бўлмиш мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек ҳазон фасли гулу гулзорсиз.
Тонг эмастур, гар диёру ёрсиз озурдамен,
Ким эмас, булбул гулу гулзорсиз, озорсиз.
Топмадук гулранг жоме беҳумор эй боғбон,

Воҳки бу гулшанаро гул бутмас эрмиш хорсиз.
Гулга бир кун айладим булбуллиғимни ошкор,
Хайриятким, ул деди: «Кўнглимда ҳар чоғ борсиз».
Бу дам ёнимда бўлсанг дардлашардик,
Ширин дамларни эслаб, гаплашардик.

(Соҳиб киради)

Соҳиб

Ассалому алайкум, устоз!

Навоий

Ваалайкум ассалом, ҳай-ҳай, мулла Соҳиб, хуш келдингиз, ўзим ҳам сизни бир кўрмоқчи эдим.

Соҳиб

Мен Сиздин уятликмен, устоз. Шайтон мени йўлдан оздириб қўйди.

Навоий

Бузрукингиз қилур чинни, Чинда йўқ,
Оғоингиз наққош эрур, элда йўқ.
Сизга эса, илму ҳунар нописанд,
Писандингиз ўлмиш чунон майхўрлик.

Соҳиб

Устоз, гумроҳлар орасига қандай кириб қолганимни билолмаймен, аё созандалигим сабаб бўлди.

Навоий

Сизни Шаҳзода Ҳусайннинг иноятлари шу кайфиятга солди, одамни пул бузади.

Соҳиб

Ори, устоз.

Н а в о и й

Эшиздимки, май ичиб шаҳарда кўп гавғо қилибсиз,
хатто Мударрисни ҳам ранжитибсиз.

С о ҳ и б

Бу ишимдан ўзим ҳам пушаймонмен.

Н а в о и й

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Яна қулогингизда бўлсинким, шогирд агар Шайху-
лислом, агар қозидур, агар устод андин розидур, тангри
розидур. Сиздан яхши бастакор, яхши хаттот чиқур деб
эрдим. Афсус... Ноқис замон сизни ҳам гирдобига олиб-
дур.

С о ҳ и б

Ноқобиллардин ўзимни ҳалос этдим. Энди илмга
умримни бахш эткумдир. Манга ёрдам беринг, Сизнинг
юзингизни ерга қаратмағаймен.

Н а в о и й

Ундоқ бўлса аввалғи саъии ҳаракат бирла ўқишини
давом этдиринг. Бунга монелик йўқдур.

С о ҳ и б

Мұҳтарам мударрисимиз мутаввалига айтиб, манч
мәдрасидин ихроj этмиш. Бу ишда ул зот ҳақ, айб
ўзимда. Аммо Бузрукворим олдиға не юз билан боргум.

Н а в о и й

Агар аҳдингиз рост, сўзда устивор бўлсангиз, бу
узилғон риштани билинмас қилиб улағаймиз, хотиржам
бўлинг, мулла Соҳиб, Мадрасасизга очиқ бўлур.

Соҳиб

Қуллуқ! Ҳазор бор ташаккур Сизга, устоз!

Навоий

Дарвоқе, мулла Соҳиб, сиз яқинда Ҳиротда бўлдингиз шекилли, қулогимга тушгандай бўлган эрди.

Соҳиб

Ҳа, устоз, анча бўлди, саройдаги бир бекка шаҳзодам сўзини етказиб қайтдим.

Навоий

Оргунибек бўлса керак.

Соҳиб

Ўша устоз, шаҳзода Бойқарога садоқатли кўринади.

Навоий

Шундай, ишқилиб шаҳзодага омад берсин. (Самандар хурсанд киради)

Самандар

(Хуржунини бир чеккага қўйиб)

Ассалому алайкум! Ёлғизликда тоза зерикканурсиз хўжам, телва-тескари сўзим билан хаёлингизни бўлиб туардим.

Навоий

Ваалайкум ассалом! Бормисиз, қўзимизни йўлда қилиб қўйдигиз-ку.

Самандар

Аҳмоққа Бинокент бир тош десалар, манга бориб келиши билан дер эдимку, эшак хирадик қилди, хўжам.

Мулла Соҳиб ўлтиринг, бугун ҳушёр кўршиасиз, ҳай-
рият. У кунги турқингиздин тўғиз қўрқар эди.

Соҳиб

Ул ҳолимдин ҳар қанча кулсангиз ҳақсиз, оға, у бос-
ринқи уйқим эди, бу ўнгим. Йиншоолло, илм аҳлида туш-
га эътимод йўқ. (Навоийга қараб) Устоз, менга ижозат
берсангиз, бунда яна андек турсам, оға эски астаримни
кўрсатур.

Навоий

Майли, энди кириб туринг.

Соҳиб

Хўп бўлади, устоз. Саломат бўлинг.

(Соҳиб чиқади)

Самандар

Шундай олтин балчыйқа тушганидин ҳайратим ортар
эрди, хўжам.

Навоий

Хўжам, хўжам дерсиз, оға, сиз қулу мен қулдор
эмасмен, Алишер девринг.

Самандар

Хўп бўлади, хўжам.

Навоий

Боз хўжам, сизга пима бўлди?

Самандар

Бу тилимга одат ўлгонки, упдин айрилмоқ бирдан
бўлмас, хўжам.

Н а в о и й

Сўзланг оға, Ҳиротдин не хабарлар келтирдингиз?

С а м а н д а р

Аввало Мавлоно Лутфий зиёратиға бош урдим. Соғайиб кетибдурлар, тетик. Сизни айтгандин сўнг ул зот дуои жонингизни қилиб, янги ғазаллардин бирини Сизга бериб юбордилар. (Беради)

Н а в о и й

(Ҳаммасини ўқиб чиқиб, сўнг бир байтни овоз чиқариб ўқииди)

Жафони жонима оз қилки, ногоҳон бир кун,

Жафо туганса нетарсен, жафо керак бўлса.

Нақадар соз, ранггин, Лутфикор бу ғазал. Аммо шундай зотга эътибор йўқ. Абу Саид Мирзо ундан ҳам чўчииди, бечора ихлосмандлар ёрдамида яшайди. Яна не хабар бор.

С а м а н д а р

Сўнг Қулмуҳаммад оға эвидаги бўлдим, аҳли аёли билан саломат экан. Ҳаммалари дуо дейишди. Бадахший деган шоир билан Қулмуҳаммад оға дўст экан, ул Абу Саид Мирзо хизматида эрмиш.

Н а в о и й

Биламен, ашъорин ўқигонмен, ўзин кўрмадим.

С а м а н д а р

Ул доғи Сизни ғойибона билур экан, кўрмоқ тилабдур. Андин Қулмуҳаммад оға уни олиб биз томон йўлга чиққан. Ҳали замон келишур, яна бир хушхабар буки, Гулидан нома келтурдим, хўжам, астоҳфурулло, Алишер, мана, (Беради) Мен меҳмон тараддудини кўрай. (Ташқари чиқади, Навоий номани очади, номани Гули ўқигон бўлиб, у эшитади)

Н о м а

Ки, яъни мен заифи хаста жондин,
«Бу хат сен интизор машриқ томондин».
Недур аҳволинг, эй зори ғаривим,
Висолим давлатидин бенасибим.
Қошим меҳробини ёд айлаган дам,
Янги ойдек бўлурму қоматинг ҳам.
Не бўлғай эрди чархи зулми пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша,
Хироминг ҷоғи йўлдош ўлсам эрди.
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.
Тикон кирса кафинга кийнасидин,
Чиқорсам эрди кирпик игнасидин.
Чу айлабдур сипеҳри тез рафтор,
Сени бирён, мени бирён грифткор.
Демон мендин сенинг дардинг эрур кам,
Сенинг ҳам кўп туур дардинг, менинг ҳам.
Вале юз мунча дарди тоза бирла,
Фаму андуҳу беандоза бирла,
Ҳаётим васлинга уммад илантур,
Умид ул раҳмати жовед илантур.
Ўқиб мазмунидин олсанг ҳисобин,
Карам айлаб, юборғайсен жавобин».

(завқ билан)

Н а в о и й

Шакар суви била ёзмишми ҳомаси,
Кўнглимни ёзмиш руҳафзо дил номаси.
(Самандар киради, лекин Навоийнинг фикрга кетганини кўриб орқасига қайтаётганида)
Самандар оға, тортинмай кираберинг, уй ичини ҳам тартибга солишимиз керак. (Навоий китобларни токча-

га қўяди, тўшак, лўла болишларни олишади, Самандар супиради)

С а м а н д а р

Қўйинг, ўзим қиласман, хў... (Оғзини маҳкам тутиб, сўнг) Астаҳфурулло, Алишер.

Н а в о и й

Тилингиз ўзингизга итоат қилурму, ёхуд ўз ҳолича калдирай берадурму?

С а м а н д а р

Чоғи ўрганмагунча калдирай берадур.

Н а в о и й

Яхши ҳам тил, ёмон ҳам тил, оға ҳамма мукофоту жазо тилдан келур.

С а м а н д а р

Ори, иншолло, бизнинг тил яхши тил бўлғай. Чақмоқ одати йўқ.

Н а в о и й

Мен мўдаррис билан мулла Соҳиб ҳақида сўзлашиб чиқай. Сиз ҳужрани ораста қилинг. Токим, азиз меҳмонлар олдида хижолат бўлмагаймиз. (Чиқади)

С а м а н д а р

Хўжам, астаҳфурулло, Алишер оқил йигит, тирноғининг учидан кипригигача илму, кам гап, камтар, ўзини билимдои санамайдур. Аммо мушкул савол суҳбатда айланиб, ҳақиқий жавобни Алишердан олади. Биз ҳам юрибмиз-да, эрталабдан мана буни олсан тўқсон тўққизи қолади деб, кечгача бир каптарни қувлаган лаббо-

ни лочинга ўхшаб. Мадрасанинг ҳам уч-тўрттасини тупроғини яладик. Бир муддат баҳт излаб аскар ҳам бўлдик. Ажал бозоридан қайси тентак баҳт излайди, денг, биз излаганмиз. Барибир ҳеч нарса бўлмадик. Ундан бир сўз, бундан бир сўз дегандек, ўрганиб сўзамол бўлдик, холос. Алишер билан турганимдин бери сўзимга жон кирди, кўнглумга урфон, умри зиёда, шуҳрати улуғ бўлсин. Бундай кишига қанча хизмат қилсанг оз. Хизматгина эмас, Алишернинг ҳаётига ҳам жавобгар, ҳомийдурмен! Шаҳзодам шундай деган эдилар. Бу шарафдин маҳрум қилма, раббий!.. (Ҳужрани супуриб, тўшакларни олиб, ҳар жой, ҳар жойга лўла болиш, ўртага хонтахта қўйиб, устига дастурхон солганда Навоий киради)

Н а в о и й

Мулла Соҳибнинг иши ўнгидин келди, оға, келишмади-ку. Бир чиқиб хабар оласизми?

С а м а н д а р

Хўж... Астаҳфурулло. Ўчоққа ўт қалаб қўйиб, истиқболларига чиқурмен, Алишер. (Чиқади)

Н а в о и й

(Яна «Хамса»ни қўлга олиб)

Қулмуҳаммад отахоним ажойиб одам. Мени хижолат қилиб ўzlари кўргани келур, падарим билан ҳам дўст эдилар. «Алишерни ўғил қилиб оласиз» десалар, «кошкийди, кошкийди» деб қўярдилар. Ӯша мулоқат, сўзлар ҳамиша ёдида, отангизга берган сўзим — сўз дейдилар.

С а м а н д а р

(Шошиб киради)

Кутилмаган мөхмөн, шаҳзодам келдилар. (Навоий дарҳол ўрнидан туриб, эшик томон югурди, остоңада Ҳусайн Бойқарога дуч келади. У қулоч очиб Навоий билан кўришади.

Б о й қ а р о

Ҳайрият кўришдик дўстим, Алишер,
Қанчалар интилсам Сиз томоц э воҳ,
Шунча йироқ сурар даҳр бўрони.

Н а в о и й

Беомон замонда бормисиз омон,
Кўнглумда мөҳрингиз ҳамону ҳамон.
Қиличу наизалар экан ҳавода,
Ўйлаб ҳаётингиз, ташвишланамен.
Марҳамат, шаҳзодам!
(Жой кўрсатади, ўлтиришиб фотиҳа қилишади)
Сизга фатҳу зафар ёр бўлсин!

Б о й қ а р о

Сизга нусрати ашъор бўлсин! Алишер, Самандар хизматидин розимисиз, танбаллашган бўлса, жангга соurmiz.

Н а в о и й

Менинг ширин суҳбатдошим бўлиб қолди.

С а м а н д а р

Шаҳзодам, жанггамас ўтгай-ла ташланг,
Сизга садоқатли Самандардурмен.

(Самандар чиқиб дастурхон солиш ҳаракатида бўлади. Бойқаро «Хамса»ни кўриб).

Бойқаро

Яна «Хамса» мутолааси билан машғулмисиз?

Навоий

«Хамса»ни Сиз билан ўқиғонда ёш эканмиз, унча замирига етмағон эканмиз. Энди Низомий, Деҳлавийнинг балоғат, фасоҳат қудратига тан бердим. Бу уммоннинг энг тубига етиб, маъно гавҳарларин тердим. Алар мени гўзаллик оламига етакладилар.

Бойқаро

Биздин ҳар бир соҳиби «Хамса» чиқса, улуғ иш бўлурди. Ажаб эрмаским, бу Сизга насиб бўлғай. Алишер, Сизга ҳавасим келур. Юборғон ғазалларингиз жозибаси ончаки, мани от устида шеър битмакка ундейдур.

Навоий

Муболага қилурсиз. Низомийга бас келмоқ мушкулдур. У буюк тоғ ким, жаҳоннинг ҳамма томонидин кўринур.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

(Самандар дастурхон келтиради. Бир йигит «ассалому алайкум» деб кириб)

Йигит

Шаҳзодам, совғаларни келтириб қўйдик.

Бойқаро

Мен айтган ерда тўрт томонга кўз бўлиб турингиз.
(Йигит чиқади)

Н а в о и й

Бунча шошилинч. Чақирайлик. Йигитингиз ҳам чой ичсин.

Б о й қ а р о

Шаҳзода ҳукми йўқ ерда узоқ туролмас,
Абу Сайд айғоқчилари ҳар жойда ҳозир.

Н а в о и й

Шаҳзодам, нечун жуда беқарор, паришон кўринасиз.

Б о й қ а р о

Мен ғоят ташвишдамен, Товонбек келмадими?

Н а в о и й

Йўқ, шаҳзодам.

Б о й қ а р о

Демак, келмади. Алишер, Хоразм ҳам қўлдан кетди,
қароргоҳим яна тоғу тош, саҳро бўлиб қолди. Шу аҳвол-
да ҳам тож сурайёдек кўзимни оладур. Беихтиёр отка
қамчи босамен.

Н а в о и й

Бу борада Сизга не диёлғаймен,
Бирор сўз демоққа ҳам ўсолғаймен.

Б о й қ а р о

Ишорангиз кўпдин билурмен, аммо
Ҳар ерда тожу тахт бсаёв менго.
Тахт учун жанг қиласам ҳам ўлдуурлар.
Қиласам қайта бардам ўлдиурлар.

Н а в о и й

Демак табитийдир бу ҳолат Сиза,
Фақат қолур иқбол тиламоқ биза.

Б о й қ а р о

Алишер, Сизга баҳт, менга тахт керак. Тахт эса — баҳт эмас, баҳтсизликдур. Била туриб анга етмоқ тилагим.

Н а в о и й

Ҳар нарса ҳам вақти билан бўлғуси
Қайгуниңг ёмони-орзу қайғуси.
Бунга ёлғиз сабру тадбир чорадур,
Бунингиз ўйл босган қўп оворадур.

Б о й қ а р о

Алишер, иккимизнинг ҳам тақдири мизни белгиловчи кескин шу кунларда, дўстлигимиз ҳурмати, Сизнинг Ҳиротда бўлишингизни, эл орасидаги юксак обрў, эътиборингизни менинг салтанат учун курашимга бағишли шингизни истардим.

Н а в о и й

Шаҳзодам, шу суронли вақтда давлат, сиёsat ишларига аралашмоқ, бирор фикр айтмоққа ёшлиқ қилурмен деб ўйлаймен.

Б о й қ а р о

Ҳозир ўйлаш эмас, ҳаракат қилиш керак, Алишер.

С а м а н д а р

(Чой олиб кириб)

Шаҳзодам, чой ичинг, асло ғам еманг, ошхўрга ош, тож ворисига тож топилғусидир.

Н а в о и й

Таом тараддусин қилдингизми, ё
Бугун ҳам қадрдон чой билан ионми?

С а м а н д а р

Шўрваи Қобилий ҳам кул-куллаб турибди, андак қай-
нови меъёрига етса, сузурмен. Шаҳзодам пойи қадами
ила бугун таом ҳам шоҳона, каклик шўрва, Алишер.
(Чиқади).

Б о й қ а р о

Анча қун содиқ аскарлар бирла төғ оралиғида яша-
дик, машқимиз ов бўлди. Иловасинлардин, Сизга ҳам
илиндик, Алишер.

Н а в о и й

Шаҳзода, лутфу иноятингиздан ғоят мамнунмен. Мен
ҳам Сизни анчадан бери қўнгиллаб қолғон эдим. Сиз-
ни Хоразм қўлдан кетгандан бери Дашиб-Қипчоқда деб
эшитиб ғам чекдим.

Б о й қ а р о

Шу сарсонликда ҳам нажотга йўл излаймен. Энди
бунга икки йўл қолди.

Н а в о и й

Муборак хотирангиздаги бу йўл не йўл экан?

Б о й қ а р о

Сиздан пинҳон сирим йўқ, бири олтин ўрдаға, Абул-
хайрихон паноҳига бориб, яна андин мадад тиламоқ.

Н а в о и й

Ев томон бориб, кўмак тилагандин бошқа бир чора
топмоқ афзал эмасму, шаҳзода.

Бойқаро

Бошқа илож йўқ. Иккинчи йўл буким, ҳозир бадахшонликлар Абу Саидга қарши түғёнда, алар била бирикib иш кўрмоқ. Шу мақсадда Товонбекни Оргунбек билан учрашмоққа юборган эдим. Биласиз, Бадахшон тасарруфини Абу Саид унга топшириғон.

Навоий

Ташвишланмасангиз ҳам бўлади, шаҳзода, ундан тадбиркор одам йорар йўлини билади. Ёки ташвишга ўрин борми?

Бойқаро

Абу Саид тузогига тушдими деб изтиробдамен. Соҳибни Ҳиротга юбориб, Оргунбек орқали уни саройга жойлаштиурмен, анча ҳушёр йигит. У билан ҳозир сўзлашдим. Ҳозирча Сиз уни мадрасада қолдиришга ҳаракат қилинг.

Навоий

Мутавалли била сўзлашиб мадрасада қолдирдим.

Самандар

(кириб)

Меҳмонлар желишди. (Навоий пешвоз чиқишга ултумай, меҳмонлар киради)

Қулмуҳаммад

Ассалому алайкум, ўғлим Алишер, саломат бормисиз. Э шаҳзодам, Сизни аранг танидим. (Боғий жуда синчилаб шаҳзодага қарайди ва таъзим қиласди). Учтўрт йил ичида бағоят етилибсиз, ёмон кўздин асрасин. (Кўришади). Алишер, Сизни меҳмонлар билан таниш-

тирай. Бу Мағлоно Бадахший, бу киши Мағлоно Бойй. (Навоий уларга таъзим билан миннатдорчилик билдиради, ҳаммаси ўлтириб фотиха қилгандан сўнг)

Н а в о и й

Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Б а д а х ш и й

Хушвақт бўлинг!

Б о й қ а р о

Ҳиротда аҳволлар нечук?

Қ у л м у ҳ а м м а д

Ҳирот ҳамон нотинч, ҳар куни бир фожиа, нимадур аҳолини бўғиб турадур.

Б а д а х ш и й

(очиқ чеҳра билан)

Шаҳзода, Сиз била танишганимдин шодмен. Олдин баланд таъб ғазалларингиз ила ошино эдим.

Б о й қ а р о

Эътиборингиз учун ташаккур. Аммо сарой аҳллари бизнинг ҳолимиздин шоддурлар. Хўжангиз таги ғолиб келди...

Б а д а х ш и й

Биздан ранжимасинлар.

Шаҳзодалар орасида низо, жанг улуф Темурдан сўнг одат шаклига қўчканки, таажжубга қожат йўқ.

Б оғ и й

Шундай, Шаҳзода, қай бири ғолиб келса, анга хизмат қилмоқ биз шоирларга вожиб. Сизга албатта, биз зафар тилаймиз.

Б ойқ а р о

Қуллук!

С а м а н д а р

(шўрва келтириб)

Ажаб хуштаъм шўрва бўбти-да, бўйни сўфи ила имомни чарламаса гўргайди. Мана шаҳзодам. (Узатади).

Н а в о и й

Ризқи қўшилса мағрибдан-машриққа келур.

Б ойқ а р о

Олдин азиз меҳмонларга тортинг.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Бу одобдан эмас, олдин ўзингиз олинг.

Б ойқ а р о

Одоб катталарни ҳурмат биландур. Мен шоҳ эмаски, сиз айтгандек бўлса. (Меҳмонларга қўйдиради)

Қ у л м у ҳ а м м а д

Хуросон шонрлар мамлакати-ю, Ҳирот алар пойтахти эди. Абу Саид миরза тахтга чиққандан бери улар само анжумларидек тирқираб жетди.

Н а в о и й

Тўғри айтдингиз, отахон. Хуросон, Туронда шоирлар шу қадар қўпки, тахаллус бўлмағон сўз йўқдир. Аммо

уларнинг таъблари Сайфи Саройи айтганидек алвон хил:

Жаҳон шоирлари э гулшани боғ,

Бойқаро

Кими булбулдуур сўзда, кими зоф.

Бадаҳший

Кими тўти киби чайнар шакарни,

Боғий

Кими лафзи билан ўттар дуарни.

Қулмуҳаммад

Кими ўзгани ашъорин маним дер,

Самандар

Кими ҳайвон жиби шалғам чўпин ер. (Ҳаммаси, «Саройи тушмагур хўб айтқон» деб, ўзларини кулгидан аранг тўхтатадилар)

Қулмуҳаммад

Алишер, сизга бир совға келтирдим, ани қабул қилингиз. (Танубурни қўлга олиб, созлай бошлиайди)

Навоий

Бунақа совғага ташнамен, отахон!

Бойқаро

Мен ҳам саҳрои бўлиб, оромбахш қўшиқларимизни жуда исогинганмен.

Қулмуҳаммад

Боқмас манга жонона, ажиг қолат эмасму,
Бўлди яна бегона, ажаб ҳолат эмасму.

Беҳудлиғу савдо била қилди мени машҳур,
Ул кўзлари маистона, ажаб ҳолат әмасму.
Ул ҳури пари чеҳра қараб кўз учи бирла,
Қилди мени девона, ажаб ҳолат әмасму.
Тўйғунча қўзим кўрмас экан тушга хаёлинг,
Бўлди сўзим афсона, ажаб ҳолат әмасму.
Усрұк кўзу лаъли мени ўлтургали, Лутфий
Бўлмиш өри Майхона, ажаб ҳолат әмасму.

Бойқаро

Куй била ғазал бир-бирига монанд, оғушта тушиб-дур. Фоят шўх.

Навоий

Қаранг ғазални, ўз тилимиз форсидин қолишмас.

Бойқаро

Баъзи форсигўйлар буни тан олмайдилар.

Форсида шеър битиб, ўз тилини унугиб юрувчилар ҳам борки, ўз элига бегоналигини билмаслар. (Ҳаммаси «таҳсин», «оффарин» айтишади)

Бадахший

Мен дари тилида ёзсан ҳам турк тили жозибасига мафтунмен, ҳар бир тил гўзал, янги бир олам.

Қулмуҳаммад

Алишер ёнимда, Ҳиротда бўлса, ажойиб ашуалалар бунёд этардик. Энди Алишер, Ҳиротга борсангиз бўлади.

Борий

Мавлоно Навоий, Сиз учун сарой ҳам кенг очиқ, бош вазир жаноблари Сизни ҳар сўзида бир мақтайдур, ул зот Сизга қомий ва валинеъмат бўла олурлар.

Бадахший

Биздек шонрлар йўлингизга мунтазир, албатта боринг.

Бойқаро

Алишер, булар ҳақ айтурлар, Сизнинг жойингиз Ҳирот, анда қўлға Ҷалам тутдингиз, энди анда бориб шеъриятда шуҳрат тутингиз. Азизлар энди манга рухсат берасизлар, йўл устида бир Алишерни кўриб ўтай деб кирган эдим. Саломат бўлинглар, кўришгунча хайр! Қулмуҳаммад оға, сиз мен билан юринг, бир ғазал бераман, анга куй басталанг.

Қулмуҳаммад

Ҳай-ҳай, жуда яхши, Шаҳзода!

Богий

Шаҳзода, івакт кеч бўлди, қолинг. Суҳбатингиздан баҳраманд бўлайлик, бемаҳалда қайға борурсиз.

Бойқаро

Ташвиш қилманг, манга кундуздин кўра тун ўнг, чунким ҳасадли кўзлар юмилган бўлади. Хайр!

Навоий

Шаҳзода, Сиз ҳамиша ҳалқ дилидасиз, анга суюнинг. Мен керак бўлсан, ҳамиша тайёрмен.

Самандар

(Бойқарога қараб)

Товоңбек дўстим кўпдин бери биз томон келмайдур, ишқилиб Хоразм жангида шаҳиди қарбало бўлиб кет.

гани йўқми, шаҳзодам. (Боғий эътибор билан тинглайди).

Бойқаро

Анча бўлди мендин кетган, эшишишмча дарвиш бўлиб юрган эмиш, сафроси ғолиб келди чоғи...

Бадахший

Мавлоно Боғий, у кунги Мирзо зиндан қилган киши шу эмасми? (Бойқаро ҳайратини билдириласликка уринади. Боғий муғомбирона уни кузатади)

Боғий

(муғомбирона)

Уни Бадахшон бекларидин дейишди, шекилли.

Бойқаро

(Самандарга)

Мана бу тангаларни олинг, хизмат ҳақингиз, мана буларни ҳужра харжига ишлатурсиз.

Самандар

Қўябермайсизми шаҳзодам, бу тангаларни бир кун тилло қилиб берарсиз, умидим шунаقا.

Бойқаро

Тилагингиз мени хурсанд қилди, унга етсак, тилло ҳам берурмиз. Хайр азизлар! (Ҳаммаси Бойқарони кузатишга чиқмоқчи бўлади, у унамайди, ўзи билан Навоий, Қулмуҳаммадни олиб чиқади)

Боғий

Э, аттанг, шаҳзода қолмадиларда! (Навоий тез қайтиб жиради)

Навоий

Ҳурматли меҳмон, ман юзни ғойибона ҳам билмогоним, ашъорингизни ўқимоғоним учун хижолатдамен.

Бофий

Мани касбим боғбон, андин Бофий тахаллус қилурмен. Бизнинг қишлоқдин бир амалдор чиқиб эрди. Унинг марҳамати билан саройига келдим. Энди Сиздек шоирлар тарбиятини кўрсак балоғат, фасоҳатга отиб, машҳур бўлсақ ажабмас.

Навоий

Менга ортиқча баҳо бердингиз, ман ўзим ҳам тарбиятга роят муҳтожмен.

Бофий

Мавлоно Навоий, сизлар шаҳзода билан қўришиб, ашъорларингизни ўқишиб турганларингиз манга мақбул бўлди. Шаҳзода тез-тез келиб турадурми?

Навоий

Ўз ташвиши ўзи билан, шаҳзоданинг шеър айтишга ҳам вақти йўқ, бу ён келишга ҳам, жуда кам келур.

Қулмуҳаммад

(шошиб кириб)

Алишер пистирма қўйилган экан, Шаҳзодага ташлайдилар, жанг бўляяпти, жанг!

Навоий

Наҳотки шундай бўлса, ё раббий! Шаҳзодани қутқариш керак.

Самандар

Алишер, қуруқ қўй билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Тўхтанг, қилич билан чиқинг. (Яшириб қўйган еридан қиличини олади) Навоийга нажот бер, олмосим!

Ўзи ҳам Навоий кетидан югуради. Унинг орқасидан бошқалар ҳам чиқади, парда тушади. Воқеа бошқа саҳнада давом этади. Мадрасадан мачит майдонига ўтадиган гумбаз билан ёпилган дарвозахона. Шу дарвозадан Бойқаро чиқиши билан унга икки-уч киши ташланади. У чапдастлик билан қаракат қилиб, иккисини қуллатади ва биридан қиличини олиб, қиличбозликка тушади, унинг ҳомий беги ҳам Шаҳзода ҳимоясига киришади. Ў қилич чопар экан, ўрон айтиб, қичқиради. «Борлос, борлос!» Шу пайт Навоий етиб келиб, биттасини уриб йиқитади ва Бойқарога ҳужум қилаётганларнинг бирига ташланиб, уни суриб бориб деворга қадайди, таслим қилиб қиличини олади, худди шу чоқ Самандар ҳам етиб келиб, яна бирига ташланади. Қулмуҳаммад ҳам бирини оёғидан олиб йиқитади ва қиличини олиб, ёвнинг кўксига қадаб, қимир этдирмай туради. Шу орада ўронни эшитган Бойқаро йигитлари етиб келади ва жангга тушади. Бойқаро билан ёлғиз қиличбозлик қилаётган баҳодир таслим бўлиб тиз чўкади. «Үлдирманг, шаҳзода, қулингизман» дейди. Пистирмачилар енгилаади. Бойқаро таслим бўлган баҳодирни йигитларига асир олишни буюради. Шошилинч чиқаётиб деди: — «Алишер, хайр!» Қиличини ҳам яхши чопдингиз, бу ёшлиқда бирга қилган ҳарбий машқларимизнинг тотлик самара-сидур».

Алишер

Хайр, шаҳзода. Мен омон қолганингиздан ғоят хурсандмен. (Шу чоқ, қиличбозлик авж олганда бир ҳуж-

рага қочиб кирган Бек шоф-шалофи билан чиқиб, гердайган ҳолда).

Бек

Мавлоно, нима қилиб қўйдингиз?

Навоий

Бурчимни адо этдим.

Бек

Қанақа бурч, хиёнат бу!

Навоий

Азиз меҳмонимнинг ҳаётини ҳимоя қилиб, мезбонлик таомилини бажо келтирдим. Мезбон меҳмоннинг ҳаётига ҳам жавобгар. Бу муқаддас анъанани ёдингиздан чиқарибсиз, бек!

Бек

Салтанат навкарларига тиф қўтариш шоҳга садоқатсизлик. Бунинг учун жавоб берасиз, Мавлоно!

Навоий

Ҳали сиз, шу юрак билан шоҳга садоқатлиман денг? Қавакдин энди чиқдингиз-ку, ҳамма бекларининг садоқати шу хилда бўлса, Абу Сайд Мирзонинг шўри өканда! (Бек ғазаб билан чекчаяди, Навоий мийифида кулади).

* * *

(Биринчи кўринишининг айнан ўзи, Гули гуллар орасида хурсанд, қўлидаги тахланган қоғозни ёзиб, кўз юритади. Бу Навоийнинг юборган номаси эди. Унга Навоий ўқиган бўлиб эштилади).

«Ки, яъни мен ғариби нотавондин,
Мусофирикда бўлган ҳаста жондин.
«Сенгаким йўқ ҳадим жонон демакка,
Қаю жонон демакки, жон демакка».
Нединким, сенга муnis бўлмадим ҳеч,
Кутиб аҳволи-ҳолинг сўрмадим ҳеч.
Фақат солдим сени доим фироққа,
Мени өлтиб даҳр сели йироққа.
Сени андоқ ниғорон, ташна қилдим,
Ўзим ҳам юз ҳажрдин чашна қилдим.
Неча йилдур муқиммен Машҳад ичра,
Кўнгил нотинч замони ваҳшат ичра.
Азиз устозу дўстлардин қолибмен,
Меҳр кўрмай ниҳодлек сарғарибмен.
Қаю кимлар эмиш мендин ҳадикда,
Үтарлар ҳақ деганлар кўргиликда.
Шу хил кечмиш экан ўтмиш замон ҳам,
Давом айлар шу тақлидда ҳамон ҳам.
Малолига даврнинг бемалолмен,
Жамолига етишга bemажолмен.
Шу ўй, дардлар мени қилтганда хомуш,
Узингдин келди илкимга ҳабар хуш.
«Анинг узрида ожиздур баёним,
Ки, ҳар ҳарфига бўлсонин сатқа жоним.
Олиб номанг танамға қон югурди,

Дема, қонким, вужудга жон югурди».

Гулим сен демаким, бир нома ёздим,

Топай ганж деб кўнгилни бўйла қоздим.

(Гули кўзига қувонч ёши олади, кўз ёшини беихтиёр қўлидаги гули билан артиб).

Г у л и

Шукур, баҳтим қулар кун келди қошга,

Раҳм қилди магар чарх икки ёшга.

Бугун келгай Алишерим бу ёнга,

У келганда сигарманму, ижаҳонга...

(Ўз севинчини қўшиққа солади).

Йўлга чиқ кўнглим, бугун ёринг келур, шодона кут,

Қўлларинг гулранг этиб, кутганда ҳам жонона кут,

Фоза қўй лабларга, кел кий аргувон куйлакни ким,

Қайси бу гулзор десин, гулэор кўриб, шўхона^{*} кут.

Қанча йил ҳажрида чеккан заҳматинг—роҳат бўлур,

Не яширдинг кўнглингга, ундан бугун дурдона кут.

Қил табассум, яйра, кул, қўшғил чиройингга чирой.

Куйсин атрофингда афёллар кўриб, сўзона кут.

Шеърга сол ишқингни, дилдан куйла бор овоз билан,

Тингласин олам, висол онин, Алишерона кут.

(Гулзор этагидан кулги кўтарилиб, тўрт қиз кўринади, улар гулзор оралаб, ўйнаб, лапар айтиб Гули томон қелишади).

(Қизлар Райҳона билан қучоқ очиб кўришади)

Б и р и н ч и қ из

Райҳона қиз, яширган сиринг

Бугун мана билдириб қўйдинг.

Иккинчи қиз

Севги шундай, мисоли уруг,
Қайга тушса униб чиқади.

Учинчи қиз

Қувонганинг қувонган бўлсин, энди Райҳона! (Гули ялла бошлайди. Якка ўйин)

Гули

Яшанг орзу билан қизлар, гўзал бир муддао айланг,
Линга етмоқ учун лозим эса, сиз жон фидо айланг.

Ибо мезонингиз бўлса, ҳаёт сўқмоқлари ҳечдур.
Адашмассиз, ибо қилган талабни сиз бажо айланг.

Ширин сўз, яхши одобу фазилат бирла ҳар доим,
Фубор ифратга қўндирилмай, жилоланг, бебаҳо айланг.

Бу оламда кўнгил нозик, топилмас ўзга нозикроқ,
Авайлаб сўз денгу ҳар бир кўнгилни тўтиё айланг.

Бирорга яхшиликдинким ёмонлик қилмаган ортиқ,
Жафо гар тортмайин дерсиз, не имкон бор вафо айланг. (Кутилмаганда Навоий кириб келади).

Навоий

Ассалому алайкум!

Қизлар

Ваалайкум ассалом!

(Бирдан ўзларига келиб, «нега серрайиб турибмиз»,
дегандек ҳар томонга тирқираб қочишади).

Навоий

Тўхтанг қизлар, қочманглар, қўйманглар дўстни ёлғиз. Суҳбатингиз бузмаймен, айтар сўзим бир оғиз... (Қизлар кўздан ғойиб бўлади, сўнг Гули Навоийга интилади).

Гули

Алишерим!

Навоий

Сени кўрди-ю, юрак измимдин чиқиб кетди,
Шарпа бермасдин кириб, қизлар ҳам чўчиб кетди.

Гули

(таъзим билан)

Хуш келибсиз, Алишер!

Навоий

Сени қўриш билан жон кирди танга,
Зим-зиё дилга ёруглик тушди.

Мусика

Шукур минг бор, саломатким етишдим мен висолингга,
Муяссар энди бўлгаймен ширин сўз, хуш мақолингга.

Гули

Менга ҳаттоқи тушда илтифотингдин асар бўлмас,
Магар келтирмадинг бир бора ҳам эслаб хаёлингга.

Навоий

Хаёлинг бирла тотлиқ айладим аччиқ ҳаётимни,
Хаёл эрмиш хаёл, етказмади лаҳза жамолингга.

Гули

Хаёлдин бошланур ҳар иш, хаёл тенгсиз мусаввурким
Бериб оқу қизил ранглар чу етказгай камолингга.

Навоий

Тилардим баҳралар сендинки, мундоқ баҳраманд
этдинг.

Гули

Муносиб ўлмағим бахтдур, сенинг рамзу мисолингга,
Кутмоқдин зор кўнглим, унуди сени,
Унуди Алишер, дейишта етди.

Навоий

Қүёшни унутиб, зулматни дерму,
Хаётдин заррача умидвор киши.
Менга зўр ҳарорат берди хаёлинг,
Ҳижрон ғамларини сен билан енгдим.

Гули

Саройга — фитналар кошонасига
Бормайсиз Алишер, сўз беринг менга.

Навоий

Боришга мажбурмен, найлайнин Гулим,
Бормасам шоҳнинг боз ортар шубҳаси.
Биласан саройга мансуб қишимен,
Бормоқни тақозо қилур анъана.

Гули

Сўраймен, ишлашга розилик берманг,
Саройсиз ҳам элдек яшамоқ, мумкин.

Н а в о и й

Минг марта розиман саройдин четда
Ҳаёт кечиришга, қўйсалар кошки.

Г у л и

Қўрқамен Алишер, қўрқув дилимда,
Сақлаисин хатардин Сизни илоҳим.
Энди кўнглимизга тушмасин ғубор,
Ғубор ҳам кўнглимга ғифирлик қилур.

М у с и қ а

Нечук ошуқ била маъшуқ чекар фарёду афлонлар,
«Муҳаббат ҳажр учун» деб ё мунаққидлар чин
айтқонлар.
«Қаёндин олғай ошиқ бунчалар тоқатни» деб сўрсам,
Менга дерлар «бу мушкулга азалдин ҳамма
ҳайронлар».

Бу олам мангалик билмас, яшар ҳар нарса вақтинча;
Ки, севги ғасл учун дейлик, етар ютганларим қонлар.
Сенга қасд айлаганларни фалак паст айласин ҳар чоғ,
Даме юзланмасин ҳижрон, солиб кўнглима түғёнлар.
Бу ноёб умримиз кечсин ажаб дилдорлик бирла,
Бу деб чин ошигу мошиқ, қувонсии кўрган инсонлар.

Н а в о и й

Сен билан севинчга ғарқ бўлиб кетдим.
Тонглани оллога ҳавола этдим.

М у с и қ а

Кўнглимни бугун зори қолибтур,
Наврўз ила ким, ажам чалибтур.
Руҳимда баҳор ҳислари мавжуд,
Орзу етилиб, ки ранг олибтур.

Кўзимни кўзинг қилди нурафшон,
Чеҳрангни кўриб, тонг уялибтур.
Орзуда ҳамон ҳаволанурмен,
Ишқинг менга зўр ҳаво солибтур.
Гулбонг ила тонг оқарса, не тонг,
Кийингда кўнгил бир андалибтур.

Софинганим шунчаки, бу ердаги ҳар нарса кўзимга
ўтдай кўринур. Волидаи меҳрибон ичкаридамилар, бир
кириб кўнглини хурсанд қилай. (Хосият қўлида тугун билан
кўчадан кириб келади).

Гули

Ана ўзлари келиб қолдилар, тоғаларимни кўргани
Бадаҳшонга кетган эдилар.

Хосият

Алишер, саломат бормисиз, кута бериб кўзимиз тўрт
бўлди. Райҳона, тоғаларинг унамаганимга қўймай, мева-
чева бериб юборишиди. Бу ёққа олиб кир, аравакаш ерга
тушириб жетди.

Гули

Хўп, ойижон.

Навоий

Мен ҳам олиб киришай, Райҳонага оғирлик қилма-
син. (Бирга чиқишади. Хосият кулиб қолади).

Хосият

Бир-бирига шундай монандки:
Бир ниҳол қўйган еримда гул эмас, гулзор кўрай,
Ўзни бу гулзорга мен парвона айлаб, ўргулай.
Бирга кўрсам иккисин кўнглим тўлиб, таскин топар,
Гулга булбул тўғри келди, зоф эмас, баҳтина тилай.

Ёрлиқ қылсинг ҳаётким, қизга бебахтлик ёмон,
Кўнгли шоду хонасин обод кўриб, бир шодланай.
(Гули билан Алишер сават, пақир тугун олиб кира-
дилар).

Н а в о и й

Ойижон, қовму-қариндошлар саломат, тинч эканму?

Х о с и я т

Ҳаммаси саломату, тинчлиги йўқ. Подшоҳ Лаъл Абу
Саидни тан олмай, уруш тараддуудида, ҳар куни Бадах-
шонда бир тўполон, ғовға. Яна уруш бўлиши турган гап.
У ердан келгунимча жоним қўлимда бўлди.

Н а в о и й

Лаъл ҳаракатига халқ не фикрда?

Х о с и я т

Бадахшон учун ўлишга тайёр, ҳаммаси бир ёқадан
бош чиқармоқчи эмишлар.

Н а в о и й

Яна халқ бошида мусибат, қайфу,
Яна қон шимиёди тоғлар лоласи.
Яна кўргилигу уқубат, азоб,
Яна кўкка етар халқнинг ноласи.
Хону беклар тахтга чиқиб олгунча
Яхши ният қилиб, алдайди халқни.
Қейин ўша зулм, ўша ҳақсизлик
Ўлкада авж олиб, этади давом.
Фалак, сен бўлмасанг агар кажрафтор,
Оlam бўлармиди ўзгача руҳсор.

Гули

Эндигина кўнглим очилганда, яна ташвиш...

Хосият

Қўй қизим, койима, бу дунё иши
Бизнинг хоҳиш билан юрмайди асло.
Алишер меҳмонинг, меҳмон олдида,
Чеҳрангга зарра ҳам қўндирмагин гард.
Бахтингизни берсин энди худойим. Ичкарига кирай-
лик, қизим, даданг уйда эмасмилар?

Гули

Ҳали келганлари йўқ.

Хосият

Қизим, Алишерга дастурхон сол, дадаларинг келгун-
ча чой ичиб, гаплашиб ўлтирамиз. Юр.

Гули

Ойи, бугун ўлтиришга вақт йўқ, дадам «Меҳмонлар
келишади» деган. Яхшиям ўзингиз келиб қолдингиз. Ду-
гоналарим билан ҳамма ёқни саришта қилиб, нон, сом-
са ёпиб қўйдим. Энди овқатга ҳам уриниш керак.

Хосият

Тоғлиқ йўлларда ароба ҳам эзиб юборди, бир нафа-
симни ростлаб олай, сўнг овқатга уринамиз. (Тугунлар-
ни кўтаришиб ичкарига киришади. Навоий тез қайтиб
чиққанда Қулмуҳаммад киради).

Навоий

Келдингизми отахон, кечикиб кетдингиз?

Қулмуҳаммад

Мен сизни кутиб қолдим, қаерда эдингиз?

Навоий

Мен Мавлоно Жомий зиёратига бориб, табаррук суҳбати забтида анча ўлтириб қолдим. Андин чиқиб, сизни уйга келган хаёл қилиб, тўғри бу томон кела берган эдим.

Қулмуҳаммад

Сизнинг келишингиз шарафига уч-тўртта меҳмон айтиб юриб, Хоразмдин бугун Ҳиротга келган Мавлоно Даврий билан учрашиб қолдим. У, Сизни кўришга муштоқ экан, уни ҳам таклиф этдим. Меҳмонлар ҳозир келишади.

Навоий

Отахон, овора бўлибсиз-да, кейинроқ чақирсангиз ҳам бўларди. Дарвоқе, Товонбекнинг аҳволи нечук, хабарингиз бўлмадими?

Қулмуҳаммад

Мулла Соҳибнинг айтишича кўп қийнаб ҳам сир ололмагач, Бойқарони тутиш учун тузоқ қилмоқчи бўлишиб, ҳозир унга яхши қаров буюришибтур.

Навоий

Отахон, Лаълийнинг бузруквори шаҳзода Бойқаро таклифига рози бўлибдурми?

Қулмуҳаммад

Йўқ, кўнмабдур. «Мен учун Абу Сайд ҳам, Бойқаро ҳам бир гўр, улардан дўстлик чиқмайди» дебдур.

Навоий

Қўполроқ бўлса ҳам ҳақ жавоб қилибдур.

Қулмуҳаммад

Алишер, яна шум хабар. Балх ҳокими Қоплонбек
Мавлоно Рожийни зинданда ўлтирибдур, ҳамма илм
аҳли мотамда... (У ичкарига киради, Навоий ўзи ёлғиз).

Навоий

Ҳар бир умрнинг ҳам кўргилиги бор,
Ёлғиз фароғатда кечган умр йўқ.
Бир куни шод бўлсанг, эртаси ғамгин,
Шоҳу гадода ҳам ўз ҳолича ғам.
Буларга чидамоқ мумкин-ку, аммо: —
Хоин, мунофиғу ғаламис, пасткаш
Бандаларнинг берган азобларига,
Қабоҳат, туҳматнинг селобларига,
Қобиллар устидан ноқобилларнинг
Ғолибона, жирканч қулишларига;
Яҳшиликни оёқ остига ташлаб,
Ёмонликнинг ҳукм суришларига;
Ҳақсиз урушларнинг қирғинлари-ю,
Талон-тарожкларнинг шиддатларига;
Мұхтоҗлик забт этган вайроналарда,
Етим-есирларнинг инграшларига,
Қандай тоқат қилиб келур одамзод?
Теппа-тескаридуру жаҳон ишлари,
Бунга лол Арасту, Фаробийси ҳам,
Дунё мана шундай тузулган экан,
Тузулганда тарҳи бузулган экан,
Бўлмаса одамзод аллақачонлар,
Боши, охири йўқ қўйна дунёни,

**Жаннатга бергисиз қилиб қўярди,
Адолатни этиб, ҳокими мутлақ!
(Самандар билан Соҳиб киради).**

Соҳиб

Ассалому алайкум, устоз!

Навоий

(кўришади).

Ваалайкум ассалом! Қелинг, мулла Соҳиб.

Соҳиб

Устоз, Сизга бир арзимас совфа келтирганмен, эсадлик учун қабул қилгайсиз. (Қўйнидан китоб олиб, Навоийга беради).

Бу меҳнатимнинг биринчи самараси.

Навоий

Офарин, Мулла Соҳиб, ана хату мана хат, қўлингиз дард кўрмасин. Ишни Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идин бошлаганингиз яхши бўлибдур, энди сизга панднасиҳатнинг ҳожати йўқ. Ҳатингиз ҳусни кундан-кун очила берсин. (Қулмуҳамад ичкаридан чиқади).

Соҳиб

Ассалому алайкум, устоз!

Қулмуҳамад

Ваалайкум ассалом, қелинг Мулла Соҳиб, хуш келибсиз. (китобни кўриб).

Мен сизни муллои забардаст десам, бу санъатда ҳам камолингиз бўй бериб турибди.

Самандар

Бир йигитга қирқ ҳунар оз дейдилар. Мулла Соҳиб яна бир ҳунарда ҳам «камол» топиб келаётган эди, бозори унча бўлмадими, ташлади. (Самандар дастурхонни солиб, баркашни қўяди, Қулмуҳаммад нон синдириб)

Қулмуҳаммад

Қани, дастурхонга марҳамат!

Навоий

(чой ича туриб)

Бизга ихлос, муҳаббатингиз учун раҳмат.

Соҳиб

Яқинда Сизни бундан ҳам ортиқроқ хурсанд қилмоқ-чимен, устоз.

Навоий

Нима билан, билсам бўладими?

Соҳиб

Сиздан берухсат, ашъорйнгизни йиғиб, девон тузмакдамен, устоз.

Навоий

Бир оз шошибсиз, мулла Соҳиб, ҳали девон таркиб беришга шеърларим арзимайдур.

Соҳиб

Айни вақти устоз, ўн йил бундин муқаддам Мавлоно Лутфий назаридин ўтгансиз. «Навоий нега девон тузмайдур, истаганда ўқищ мумкин бўлур эди» деб эл сўзлаганин кўп эшидим. Уларнинг тилаги менга журъат берди.

Навоий

Ундей бўлса, нима ҳам дердим, элга чашна бериб кўрайликчи, манзур бўлармикин?

Қулмуҳаммад

Албатта, манзур бўлади, Алишер.

Самандар

Дарвоқе, Алишер у кунги мўйсафид келди, Сиз ёзиб қўйган аризани олиб кетди. (Бадахший, Боғий, Даврий ва бошқалар киради).

Борий

Ассалому алайкум, Мавлоно Навоий зерикмаяпти-ларми?

Навоий

Хотиржам бўлсинлар, қалам зерикишга қўймайдур.

Қулмуҳаммад

Алишер, мана азиз меҳмонимиз Мавлоно Даврий, танишинг. (Даврий қучоқ очиб кўришади).

Даврий

Фазалларингизни ўқиб, ўзингизни бир кўришга муштоқ эдим.

Навоий

Хоразм лазгилариdek шўх ашъорларингизни ўқифонмен, сиз била кўришганимдин ғоят хурсандмен.

Қулмуҳаммад

Марҳамат ўлтиринглар. Хўш, Алишер, у чолнинг бошига қандай кулфат тушибдур?

Н а в о и й

Бир муттаҳам «Бу жой менинг бобо меросим» деб даъво қилса, қози чолнинг уй-жойини унга ҳукм қилиб берибдур, адолатни қаранг. Даъвогарни маҳалла оқсоқоллари ҳам танимайдур эмиш.

С а м а н д а р

У баттол қозига бирор нарса чўзгандур-да, ўзи чўзилиб турган чол қозига нимасини чўзади. Замонамизда ришват олдида адолат бир пул бўлиб қолди.

Н а в о и й

Балли... Аммо бунинг бошқа сири ҳам бор. Яъни у бечорани кимдир мен билан Бойқарога алоқадор деб етказибдур.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Сизни бундоқ жанжаллик ишларга аралашмаганингиз маъқулмикин, Алишер...

Н а в о и й

Ҳақ гап учун бошимга не келса розимен.

Б о ф и й

Шоҳимиз ҳамиша ҳақ томонда, ҳақ ноҳақ бўлғонини Мавлоно Навоий айтсалар, шоҳимиз хурсанд бўладилар.

Б а д а х ш и й

Сиз айтгандек бўлса кошкийди, Мавлоно Бофий, ҳақ эгилади, букилади—синмайди, деймизу баъзи ишларда парча-парча бўлиб кетяпти. У кунги ҳоким жиноят, зулмини ҳаддидан оширган, ўзингиз кўрдингиз, нима жазо берди—Мавридин олиб, Машҳадга ҳоким-қилди. Яхшиси

сиёсатни қўяйлик, Мавлоно Қулмуҳаммад, у кунги ашу-
лани меъёрига етказдингизми? (Қайта дастурхон соли-
нади).

Қулмуҳаммад

Тайёр, бир назаринглардан ўтказиб олсан яхши бў-
лурди.

Бадаҳший

Эшитайлик бўлмаса.

(Мусиқа)

Ўзга бўлди ёр меҳри менда боқийдур ҳануз,
Нотавон кўнглимда ул ой иштиёқийдур ҳануз.
Гарчи ўзга ёр истар хотирим бордур валек
Жон анга манзил, кўнгул онинг висоқийдур ҳануз.
Файри ишқи, кўнглим уйинда нечук қилғай нузул,
Ким хаёли маскани кўзим равноқийдур ҳануз.
Ишқ ила май таркин эй носиҳ не нав айлай қабул,
Ким кўнгулга орзу ул турфа соқийдур ҳануз.
Эй Навоий, гарчи мени меҳрсиз дер эрди ёр,
Ўзга бўлди ёр меҳри менда боқийдур ҳануз.

Боғиён

Офарин, Мавлоно! Руҳимизни аллаловчи ажойиб
замзама бўлибдур.

Бадаҳший

Шундай оромбахш куй қўшиқларимизни эшитмоқни
Шайхулисломга, қўшилиб, мунажжим ҳам гуноҳ сана-
ганига ҳайронмен.

Навоий

Бу завқдин маҳрум кишилар мусиқа эшитишни гу-
ноҳ дейдилар. Нега бўлмаса араблар «Қуръон»ни куйга

солиб, қироат қилишади? Дунё мусиқадан иборат, ҳар бир иш-ҳаракатда ҳам оҳанг бор. Уни тинглай билиш керак.

Д а в р и й

Ундай димиққан кишиларга санъат хайф.

Б о қ и й

Бу мунажжим шоҳимизни ҳам ваҳимага солгани солған. Оғзидан сафар, жанг, қон тушмайдур. Мавлоно Навоий, Сиз мунажжимлар сўзига ишонасизми, йўқми? Бу соҳани унча ақлим олавермайди. Булар ҳам илмга кирадурми?

Н а в о и й

Улар ўз қўлидаги бир анорнинг неча парда, неча хонаси бор ва ҳар парда, хонасида неча донаси бор, билмайдилару, ўзидин лак-лак минг масофа йироқдаги осмон жисмларидан сўзлайлар, ўн сўзидин иттифоқо бири ҳам рост эрмас. Уларга инонмоқ ғофилликдур. Шоҳлар оқил, донишмандларнинг фикр, маслаҳатига суюнишлари лозим:

Шоҳеким, ахтад ўлса дурри тожи,
Дуо дуррига кўпдир эҳтиёжи.

Б оғ и й

Шоҳеким, ахтар ўлса дурри тожи,
Дуо дуррига кўпдир эҳтиёжи, офарин!

Б а д а х ш и й

Офарин, Мавлоно Навоий, ғоят гўзал маъно, бу дурқачон хаёлингизга илинди?

Н а в о и й

Мавлоно Бадахший, мен улуг бир ишга қўйл урмоқ-чимен, ҳаёт ва давлат борасидаги мулоҳазаларим бунингдек ғунча очганларини пароканда бўлса ҳам ёзив борамен. Ул улуг ишга тутинганимда аларни ўрнида ишлатурмен. Аммо буни турк тилида ёзиб, анинг имконини кўрсатурмен.

Б о ф и й

Сўз «Хамса» борасида борурми? Низомий, Деҳлавий-ларга пайравлик қилас эканлар-да.

Н а в о и й

Жаҳонда гул кўпу, гулзор ҳам кўп,
Алардин гул териш осон эмас хўб.
Дофимен ҳам яратсан тозо гулзор,
Гулу тарҳи алардин ўзга зинҳор.
Шу ниятда терурмен бу сифат дур,
Битиб, ул бўлса тонг йўқ элга манзур.

Қ у л м у ҳ а м м а д

Алишер, ҳамиша ниятингиз ёр бўлсин, бу билан
халқимизни жаҳонга танитурсиз.

Б а д а х ш и й

Шундайку-я, мавлано Қулмуҳаммад, аммо дарвеш,
қаландарлар авжига чиққан Абу Саид замонида ният
ғунчасининг очилиши амри маҳол...

Д а в р и й

Ниятингиз гўзал, Мавлоно Навоий. Инсон гўзал табиат бағрида яшаб ўзи гўзаллик яратади. Гўзаллик — бу мангалик.

Бадахший

Мана шу мангулик ҳақида мушоира бўлса, Алишер, Мавлоно Даврий сиз билан мушоира қилиш иштиёқида...

Қулмуҳаммад

Ҳай, ҳай жуда соз, шеърий мусобақани бошланглар, эшитамиз.

Боқий

Жон қулоғимиз сизларда, қани Мавлоно Навоий сиз бошлаб беринг. Азиз меҳмонимиз бошласинлар, чунким Навоий биздин улуғ ва пешқадам.

Меҳмонлардан биринчидан

Меҳмон бошлагани маъқул, мезбон бошлаш одобдин эмас. (Даврий мушонрани бошлайди).

Даврий

Фатҳ этди жило тобида оламни гўзаллик,
Мафтуни қилиб қўйди ҳар одамни гўзаллик.

Навоий

Небахтки, солур кўнглима умид ила борзу,
Ҳар ёна пароканда қилиб ғамни гўзаллик.
(Ҳар бири ўқигандага «ҳай-ҳай, балли, офарин!» дейин-шиб туришади.)

Даврий

Қўнглима фарах бергуси ҳай сорига боқсам,
Жонона қилур кўзлара ҳар дамни гўзаллик.

Навоий

Жонима ҳузур етгуси ҳар лавҳасидин ким,
Юргузди равон мадҳида ҳомамни гўзаллик.

Д а в р и й

(Анча тўхталиб, аранг ўқийди)

Инсонни қиласи дасти баланд, қиммати олий,
Деб берди кўп афсонада Хотамни гўзаллик.

Н а в о и й

Кўрдим ўзи бўлмиш мени ёримда мужассам,
Мазмунга кириб, созлади номамни гўзаллик.

(Даврий ҳозиржавоблик қилолмай қолади)

Ҳар яхши фазилатки, эрур бизда муҳайё,
Ўргатмиш экан барига одамни гўзаллик.

Д а в р и й

Фолибсиз Мавлоно Навоий, ўйлаганимдин ҳам зиёда
бўлиб чиқдингиз, оғарин! (Кўчадан бирор чақиради)

Х а б а р ч и

Оға Қулмуҳаммад, ҳо оға Қулмуҳаммад!

Қ у л м у ҳ а м м а д

(Эшикни очиб)

Келинг, амири хабар! (Хабарчи киради)

Б а д а х ш и й

Не хабар келтирдингиз, хушми, нохуш?

Х а б а р ч и

Хуш, нохуш хабардин худо сақласин.

Эҳ-ҳе, жамоат жам экан-ку. Абу Сайд Мирзо Ҳазрати олийлари, Мавлоно Навоийни ҳузурига сўрадилар.
(Навоий жим. Суҳбат бузилади, аста чиқа бошлайдилар)

Хосият

(ичкаридан қараб)

Дадаси, тинчликми?

Қулмуҳаммад

Тинчлик, Алишерни саройга чақирибтурлар.

Хосият

Илоҳим тинчлик бўлсин, Алишер. (Ҳамма Навоийни кузатишга чиқади. Гули Навоийни оstonада тўхтатади).

Гули

Алишер!.. Борманг!.. Юрагим ғаш, саройга борманг,
Алишер!..

Навоий

Йўқ, менинг боришим керак. Тўғри келса, у билан юзма-юз сўзлашадиган гапларим бор.

* * *

II.

(Иккинчи кўринишининг айнан ўзи, тахтгоҳда ҳеч ким йўқ. Қабулхонага Бадахший билан Навоий сўзлашиб кириб келади).

Бадахший

Мавлоно Навоий, мен Сиздан бениҳоят миннатдормен.

Навоий

Мен ёш бўлсам ҳам сизни ўзимга катта дўст деб би-лурмен. Дўст-дўстга изҳори миннатдорлик қилиши дўст-

лик ойинига сигмас. Баъдаз, мен унга лойиқ иш ҳам қилганим йўқ.

Бадахший

Абу Саид Мирзо тарихини назм қилдим, они биринчи Сиз ўқидингиз. Берган маслаҳатларингиз билан китоб нуқсондин холи бўлди.

Навоий

Мен муборак хотирларидин фаромуш бўлган саҳв-ларнигина эслатдим.

Бадахший

Фаромушлиғимдин эмас, билмағонимдин эди. Сиз мени уятлик бўлишдин сақлаб қолдингиз. Мана Мавлоно Навоий, китоб хаттот килкидин чиқди, кўринг, Мулла Соҳиб қаламига мансуб. (Навоий варақлаб кўради)

Навоий

Офарин, қутлаймен, тарих назмга кирди, яъни тилга кирди. Мулла Соҳиб санъати ҳам хўб очибди китобни.

Бадахший

Бугун шоҳимизга тақдим қиласмен.

Навоий

Мавлоно Бадахший, китобни битириб, қушдай енгил бўлдим демасинлар, шоҳимиз олдидан жуда вазмин бўлиб чиқишилари ҳам бор, ҳали...

Бадахший

Вазминлик ҳам ҳар хил, яхши маънодагиси бўлсин, ишқилиб. (Бош вазир киради).

В а з и р

Ассалому алайкум, Мавлоно Навоий, ҳамон кечаги ғазалингиз завқи билан юурмэн. Ёддош бўлиб қолди:

Кезармен куйида йиллар назар ҳолинга солғай деб,
Агар ўлтурса, қоним ранги тупроғида қолғай деб.

Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар, бир кун
Наво нақшини даврон мутриби базмида чолғай деб.

Албатта наво нақши базмда чолинур, Сиз қилган муддаоингизга етурсиз, офарин. Бундай ранггин ғазаллар бўлса бизни бебаҳра қўймағайсиз.

Н а в о и й

Муҳтарам вазир, бу шунчаки машқ, юксак баҳога арзимайдур. (Богий киради)

В а з и р

Қани энди, бошқа сарой шоирларимиз ҳам шундоқ машқ қилишса, Сизнинг машқингиз қўйма. Нима борада баҳс қилаётган эдинглар, сўзингизни ҳам бўлдим.

Б а д а х ш и й

Варизи азиз, Сиз бошлаган шу баҳсдин яхши баҳс бўлмас.

Б оғ и й

Улуғ вазиримиз шеъриятни ғоят нозик тушунади. Андин Мавлоно Навоий ғазалларига юксак баҳо бердилар. Дарвоқе, Мавлоно сизни жаноб Оргунбек йўқлаётган эдилар. Ўзлари девонхонада ўлтирибдилар. (Навоий чиқиб кетаётганданда)

В а з и р

Мавлоно Навоий, янги битилган ғазаллар бўлса ўқиб турайлик.

Н а в о и й

Муҳтарам вазири муazzам, шоирга назмини қадрлов-чидин ортиқ киши бўлмас, сизда иштиёқ бўлса, бизда ғазал дәҳқончилик.

В а з и р

Шеър завқидин бебаҳралик-ҳаётга бегоналик. Ундоқ бўлмоқдин олло сақласин. Мавлоно Бофий сиз мен билан юринг. Иш бор. (Бадахший, Навоий чиқади).

Б о ф и й

Хўб бўлади, жаноб Вазир. Не хизматлари бўлса тай-ёрмен. (Вазир Бофийни таҳтгоҳга етаклайди)

В а з и р

Мен сизга ҳайронмен, Мавлоно. Ҳар ерда ҳозирсиз, оёқ ҳам сиздин рози бўлмаса керак. Ижод қунт билан бўлади. Кейинги вақтларда ажойиб қасида, ғазаллар ҳам битмай қўйдингиз, шеърий анжуманларда ҳам ўрнингиз йўқ, сиздин нуқул узр эшитамиш. Бу ҳолнинг боиси не, билсан бўлурму?

Б о ф и й

(Ўнғайсизланиб) Ҳақ гапни айтдингиз. Вазири муҳтарам, Мавлоно Навоий Ҳиротга келгандин бери суҳбатидин айрилгим келмайди. Устознинг ҳар бир ғазали мен учун мактаб.

В а з и р

Урганиш учун Навоийга соядек эргашиш шарт эмас, ўқиб билиш лозим. Шоҳ кутубхонаси қўлингизда, сиздаги бу имконият Навоийда йўқ. Биз сизни ижодда Навоий билан баслаша олишингиз тарафдоримиз. Аъло Ҳазрат ҳам сиздин шуни кутади.

Б оғ и й

Навоийга бас келиш қийин, у туғма қобилият эгаси.
Уни мен устоз деб биламен.

В а з и р

Агар шундай бўлса, ўзингизни ҳам, устозни ҳам тинч
қўйинг. Ўлтириб ижод қилинг, соҳиби девон бўлишга
ҳам ёшингиз етди. Биз ёрдамга ҳамиша тайёр!

Б оғ и й

Илтифотларидин мамнуимен.

В а з и р

Бизга «Қобуснома»ни топдириб қўйсангиз, яна бир
ўқимоқчимиз.

Б оғ и й

Хўб бўлади, улуғ вазир! (Боғий чиқади).

В а з и р

(ёлғиз)

Бизда иш усули ёмондин-ёмон,
Ҳар ким ўзига бек, ўзига хондир.
Амалга миндими, қилдайин илон,
Оз кунда бўлади ғовлаб аждаҳо.
Шоҳимга неча бор айтдим бу ҳақда,
Сарҳуш бошларида турмайди асло.
(Бошқа эшикдан ички навкар киради, қабулхонага
сарой аҳли йиғила бошлайди).

Н а в қ а р

Оlam паноҳ шоҳимиз ташриф буюрадилар.

В а з и р

(Карсак чалади, эшик оғаси киради) •

Аркони давлату атёнлар кирсин, шоҳимиз ташриф буюрадилар. (Эшик оғаси чиқиши билан сарой аҳли кириб, ҳар қайсиси ўз даражаларига кўра жой олиб, қуллуқ билан саф тортишиб турганларида шоҳ тахтгоҳга кириб келади).

С а р о й а ҳ л и

Шоҳимиз бўлсин омон, бўлсин омон,
Тургунча токи жаҳон, токи жаҳон.

(Шоҳга ҳамма эгилиб таъзим бажо қиласди, шоҳ баъзиларига қараб, бош қимирлатиб бориб, тахтга ўлтиради. Жимлик чўкади).

А б у С а и д

(Асабий) Бу нима сукут, бу нима паришонлик, Бадахшон воқеасидин шунчалик саросимага тушдингларми? Мен Бадахшон тахтининг меросхўрларини бешикдагисидин тортиб, оёқларини судраб қолганларигача қиличдан ўтказамен.

Б е к

Шоҳим, Бадахшон асрлардин бери дахлсиз бир ўлка.
Унинг тинчини Искандар ҳам, бобонгиз буюк Темур ҳам бузмаган. Сиз ҳам бузмасангиз яхши бўлур эрди.

Я на Б и р и

Уларга расман бўлса ҳам мустақиллик берилмаса тинчмайди...

А б у С а и д

Бадахшон беклари менга қарши туғ кўтарди, мен ҳам туғ кўтариб, устига қўшин тортамен. Нега, Оргунбек кўринмайди. Сардор!

Сардор

Бадахшонни қоғозга туширмакда эди. (Чапак чала-ди, ҳамма чиқади, эшик оғаси киради).

Абу Сайд

Тез Оргунбекни чорланг. (Эшик оғаси чиқади).

Сардор, сиз сафар ҳозирлигини кўринг, эртага тонг-дин йўлга чиқурмиз.

Сардор

Қўшин фармони олийларига маътал. (Чиқади).

Абу Сайд

Вазир, сафар тараддудини кўринг, озиқ-овқатга бел-гиланган кишиларга ёрлиқлар ҳозирланг.

Вазир

Маъқул, Шоҳим. (Вазир чиқиши билан Бофий кириб, шоҳ оёғига етгудек эгилиб, таъзим қиласи).

Абу Сайд

Мавлоно, Бойқаро қароргоҳи қаерда эканини билдин-гизми?

Бофий

Айтишларича, Шаҳзода бу ёқдин умидини узиб, Дашиб-ти-қипчоқ томон кетибдур.

Абу Сайд

Бойқаро, Навоий, Бадахшон жонимга бало бўлди...
(Қарсак. Эшик оғаси киради)

Навоийни чақиринг. (Эшик оғаси чиқади, шоҳ ўйга ботади. Навоий таъзим билан кириб)

Н а в о и й

Чақирирган экансиз, аъло ҳазрат.

А б у С а и д

Алишер, келинг! — Машҳаддин келганингизга ҳам анча бўлди, аммо зиёрат қиласай демадингиз.

Н а в о и й

Бир бор бўлган эдим, эътиборларига сазовор бўлмадим, нечора, Ҳиротда фақирона яшаб турибмен.

А б у С а и д

Бу сўзларингиздин эмас, шеърларингиздин ҳам биздин хафалигингиз маълум, Алишер!

«Шоҳиким ахтар ўлса дурри тожи,

Дуо дуррига кўптур эҳтиёжи»—

Бу маъно менга аччиқ киноя эмасми?!

Н а в о и й

Сизга эътиборсизлигимдин хафа эмасмен, бунинг сабаби сизга ҳам, менга ҳам маълум. Шеърда эса, шоҳлар донишманд сўзига қулоқ бериши айтилган, холос.

А б у С а и д

Биз сизнинг ҳозирги хатти-ҳаракатларингиздин ҳам хурсанд эмасмиз.

Н а в о и й

Мендин қандай бежо хатти-ҳаракат зоҳир бўлди экан, билсан бўлурму, аъло ҳазрат?

А б у С а и д

Машҳадда навкарларимизга тиф кўтариб, Бойқарони ҳимоя қилдингиз, бу ерда эса, яна Бойқаро билан маҳкамам алоқадасиз.

Н а в о и й

Шаҳзода Бойқаро қадрдан дўстим,
У билан ўқидим ва бирга ўсдим.
Шаҳзода баъзида Машҳад келарди,
Меҳмоним бўларди, суҳбатлашардик.
Бир бор келганида тӯғри, тиф ушлаб,
Мезмон сифатида ҳимоя қилдим.
Ҳиротга келгандин бери бир қатла,
Шаҳзодани кўрган эмасмен, ҳазрат.

А б у С а и д

Бизнинг орамиз бузилиб турган бир чоғда сизнинг
Бадаҳшон шаҳзодаси Лаълий ва бошқа нуфузли киши-
лари билан алоқангизни нима деса бўлади?

Н а в о и й

Тӯғри, Лаълий келди икки бор буён,
Шеърин ўқиб бериб, маслаҳат олди.
Бошқалар ҳам келди, аммо орада
Давлат, сиёsatдин сўз бўлгани йўқ.

А б у С а и д

Бизнинг давлат тутимимизни адолатсизликда айблаб,
Қулмуҳаммад, Бадаҳшийларни хаёлий адолатингиз би-
лан йўлдин оздирдингиз.

Н а в о и й

Мавлоно Бадаҳший, Қулмуҳаммадни,
Йўлдин оздиришга ёшлиқ қиласмен,
Ақл, тажрибаси мендан кўра кўп.
Адолат ҳақида гапирганим рост.
Ҳоким, бекларингиз кемирувчиидир,
Қўшин, солорингиз емирувчиидир,

Салтанатда ўн йил бўлсангиз ҳамки,
Бир бино Ҳиротда бўлмади бунёд,
Бир ўйлаб кўрингчи, Аъло Ҳазратим!
Тахтга чиққан кундан то бу чоққача,
Нималар қилдингиз сиз Хуросонда?
Эл учун равон йўл қурдингизми, йўқ.
Ариқлар қазиб, сув бердингизми, йўқ.
Хоноқо, мадраса очдингизми, йўқ.
Дилларга маърифат сочдингизми, йўқ.
Солдингизми бирор дарёга кўприк —
Ироқ элдан келган карвон ўткулик.
Боғу хиёбон ҳам этганингиз йўқ,
Санъатни қадрига етганингиз йўқ.
Чунки сиз шубҳада, от устидасиз,
Исённи босай деб қўшин сурасиз,
Бу билан салтанат бўлмас мустаҳкам
Балки инқирозга юз тутар ҳар дам.
Шундай эмасмикан, Аъло Ҳазратим!

А б у С а и д

Кўп тилга эрк берманг, ёшсиз Алишер,
Бу аччиқ сўзлар ҳам шубҳамга далил.

Н а в о и й

Ҳар нарсадин чўчиш, ҳадиксирамоқ,
Аъло Ҳазратларга ярашармикан?
Ҳар хил гумонларни алангалашиб,
Қўрсатмоқ ғаламис одамлар иши.
Улар, жуда тубан пул бандалари,
Мени бугун сизга сотган эканлар.
Эртага сизни ҳам сотиши шаксиз.
Тахту баҳтингизга бегаразмен, Шоҳ,
Душманликни мендин кутмангиз асло!

Асли менга сизу Бойқаро ҳам бир.
Бўлса бас элда бир адолатли шоҳ?

А б у С а и д

Хўш, сиз айтган адолатли шоҳ Бойқародин чиқадими?

Н а в о и й

Эҳтимол Бойқародин чиқур ёки бошқа бир шаҳзодадин. Фақат адолат-салтанатни ларзадан сақлаб қолиши мумкин, аъло ҳазрат!

А б у С а и д

Бас қилинг, агар халқ орасидаги обрўйингиз бўлмаганда сизни ҳозир жаллод илкига топширурдим, чиқинг, даргоҳимдан!

Н а в о и й

Қуллуқ! (таъзим билан чиқади).

А б у С а и д

Шошмай тур, газалингдай дарбадар қилиб қўйиш қўлимдан келади. Қандай йўсун билан бу тадбирни амалга оширсам экан, бошим ҳам қотди. (Боғий киради). Бормисиз, мавлоно! Навоий дабдала қилган кўнглимни тиклашга йўл, тадбир топинг.

Б оғ и й

Ўзим ҳам шунинг ҳаракатида эдим. Қарангки, осто-нангизга тадбир ўз оёғи билан келиб қолди. Бу тадбир, Навоийнинг руҳий оламига ларза солади.

А б у С а и д

Қандай тадбир? Ким келди?

Б оғ и й

Балхдин дўстим Қоплонбек келди, унинг бу хилда
Ҳиротга тез келиш бўлиб қолганининг сабабини биласизми, шоҳим?

А б у С а и д

Йўқ. Бирор сабаби бор эканми?

Б оғ и й

Қоплонбек, ошиқ.

А б у С а и д

Кимга?

Б оғ и й

Навоийнинг севгилисига, Навоий Ҳиротга келгандин берни... рашк ўтида ёниб, қиласар ишини билмай юрибди. Ҳиротга ора кунда бир келиши шундан, шоҳим.

А б у С а и д

(Ўйланниб)

Бу жуда соз. Ўзи қани?

Б оғ и й

Шу ерда, ҳозир кирса керак. (Эшик оғаси кириб).

Э ш и к оғ а с и

Балх ҳокими Қоплонбек кирмоқ тилайдир.

А б у С а и д

Айтинг, кирсан. (Эшик оғаси чиқади)

Сиз чиқиб туринг, у билан ўзим сўзлашурмен. (Қоплонбек кириб, шоҳга таъзим қиласади ва Бофий билан қулоқлашиб кўришади).

Қоплонбек

Дўстим қалайсен, қишлоқиликдин қутулай дедингми? Анча ранда еган кўринасан, хурсандмен.

Абу Сайд

Дўстингиздин мамнумиз (Боғий чиқади).
Қўлга олинган исёңчиларни олиб келдингизми?

Қоплонбек

Олиб келиб, Ихтиёриддин қалъасига топширдим.

Абу Сайд

Айтилган, бошқа нарсалар-чи?

Қоплонбек

Исёңчиларнинг уйларига ўт қўйдим, Рожийнинг асбоб-ускуналари билан китоб, ёзувларини куидирдим. Элдан жарималарни ундиридим, ўз бисотимдан ҳам қўшиб, хазинага ўн минг динор топширдим. Давлатингиз қўрасига йигирма беш минг от, эллик минг қорамол ҳам киритдим, шоҳим.

Абу Сайд

Менга сизнинг мана шундай содиқ, кордонлигинги ёқади. Қоплонбек Ҳиротга серкелиш бўлиб қолдингиз, тинчликми ўзи?

Қоплонбек

Бир қизга кўнглим кетган, одам юборсам, отаси «бoshi берк» деб кўнмади. Қейин билсам Навоийга бермоқчи эмиш. Отасининг обрўйи зўрлигидан ортиқча сўз диёлмай, ўзимни еб юрибман, шоҳим. Бу иш сизнинг марҳаматингиз билан битади.

А б у С а и д

Қизнинг отаси ким?

Қ о п л о н б е к

Ҳофиз Қулмуҳаммад.

А б у С а и д

Биз у қизнинг ҳарамимизга арзигулик гўзаллигини билсак ҳам сизга бағишладик. У ёғи ўзингизга боғлиқ.

Қ о п л о н б е к

У ёғи деганингизга тушунмадим, шоҳим.

А б у С а и д

Ошиқ бўлсангиз ўртадаги ғовни олиб ташлайсиз.

Қ о п л о н б е к

Навоийни-я?!

А б у С а и д

Ҳа, Навоийни, у ҳозир сизга ғов бўлса, бизнинг Салтанатимиз душмани. Бошқа одам қўли билан эмас, ўз қўлингиз билан олиб ташлайсиз, токим, ўзга киши билмасин. Бу сир иккимиз орамизда қолур.

Қ о п л о н б е к

Ундан бўлса, бугунни эртага қолдирмай ўртадан олиб ташлаймен. Ўзларидан ҳайиқиб юрган эдим.

А б у С а и д

Гап битта!

Қ о п л о н б е к

Қачон иккита қилиб юрувдим, менга бундан осон иш йўқ, шоҳим.

А б у С а и д

Балли, ғов олингандан кейин—тўй. Энди тезроқ эски ҳунарингизни ишга солинг!

Қ о п л о н б е к

Марҳаматингиздин хурсандмен, шоҳим. (Қоплонбек чиқади).

А б у С а и д

Бу режа соз бўлди. Агар мен уни фармон билан ўлдиртирсам, унинг ўлиги ҳам бошимга бало бўларди. (Қарсак. Эшик оғаси киради).

Хайрият, Навоийдин қутулдим. Қоплонбекнинг қўлидан ҳеч ким соғ чиққан эмас, энди Товонбекни кўндирамас бас. Зиндоңбегига айтинг, Товонбекни келтирсин. Боғий билан Орғунбекни чақиринг.

Э ш и к оғ а с и

Ҳозир Шоҳим. (Чиқади, Боғий киради).

А б у С а и д

Бойқаро қароргоҳи ҳозир қаерда эканини билдингизми?

Б оғ и й

Шаҳзода бүёқдин умидини узиб, Даشتி Қипчоқ томон кетибдур.

А б у С а и д

У тахт атрофида парвона, яна лашкар тўплаш билан овора, уни йўқотмагунимизча хавфдин қутулмаймиз. Товонбекни рози қилолсам, сиз у билан Бойқаро овига борасиз.

Б оғ и й

Жоним билан, айниқса одам овига суюгим йўқ, шоҳим. (Соч, соқоли ўсган Товонбекни қўллари боғлиқ ҳолда олиб киришади).

А б у С а и д

Товонбек, мана анча вақт зинданда қолиб кетдингиз, етар қайсарлик, ёки умрингизни зинданда чиритурмисиз?

Т о в о н б е к

Шоҳим, бу дунё нашъу намосидин воз кечганмен, менга қаерда бўлишимнинг фарқи йўқ, худо ҳар ерда ҳозир!

А б у С а и д

Хоразм мулки яна ўз қўлимда. Шаҳзодангиз ҳозир Дашти Қипчоқда тошбақа овлаб юрибдимиш. (Кулади).

Т о в о н б е к

Менга айтишди, Шаҳзода Хоразмга босқин қилганда мен Ҳиротда эдим, шоҳим!

А б у С а и д

Узингизни жуда ҳам гўлликка солманг, сиз уруш тархини тузиб бериб, бизни чалфитиш, пойтахтда ҳам фитна қўзғатиш учун келгансиз.

Т о в о н б е к

Бу энди шоҳим, шубҳангиз оқибати.

А б у С а и д

Сардор, Бойқарони қўлга туширишга ёрдам берсангиз, Сизни қўшинимга лашкарбоши қилурмен.

Т о в о н б е к

Ҳозир менга шоҳим, худодин ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

А б у С а и д

Маңа бу киши билан овга бирга борурсиз. (Товонбек Бофийга беэътибор қарагандек бир неча бор қарайди)

Т о в о н б е к

Олло таоло олдида гуноҳим етарлик, андин мен тоат-ибодат била карамига мұяссар бўлмоқ йўлига кирдим. Шоҳим, овора бўлманг, мендин ҳеч нарса чиқмайди. (Оргунбек қабулхонага Навоий билан кириб, уни чеккароққа олиб бориб, паст овоз билан)

О рғ у н б е к

Алишер, мени огоҳлантириб сўнг саройдин чиқинг, иш бор.

Н а в о и й

Хўб бўлади Бек оға. (Оргунбек тахтгоҳга киради)

А б у С а и д

Оргунбек, Товонбек билан танишсиз-а?

О рғ у н б е к

Авваллари қуролдош дўст эдик, кейин йўлимиз бошқа-бошқа бўлиб кетди. Бу ҳам изламади, мен ҳам. (Товонбек жим).

А б у С а и д

Тўгрими, Товонбек?

Т о в о н б е к

Йўл бошқа бўлгандин кейин излашиб нима қиласардик.

А б у С а и д

Мана Орғунбек менда обрўли сардор. Бадахшонга ҳокими мутлоқ. Сиз нега менга хизмат қилишни истамайсиз, мен Самарқанд таҳтига чиққанимда ҳам саройдин кетиб қолдингиз. Ҳирот таҳтига ўлтирганимда ҳам шундай бўлди. Ҳатто саройга чақирдим, келмадингиз. Бунинг бирор сири борми?

Т о в о н б е к

Сиз жоҳил, худбин, субутсиз, ҳарбий ишга нўноқ, қуруқ шуҳратпаст шоҳсиз, сиздин мамлакатга ривож йўқ. Шу боис сиздин бош тортдим.

А б у С а и д

Тилингни торт, баттол! Сен Шаҳзодаларга тиф кўтарган, нобакорсен, Абдулатифхоннинг қатлида ҳам қўлинг борлигин эшитғонмен.

Т о в о н б е к

Мен падарқуш Абдулатифни қатл этишда қатнашган бўлсам мени тарих бағишилар. Аммо сиз унинг атрофида парвона бўлиб, маърифат қуёши ҳазрат Улуғбек жонига қасд қилғонлардин бирисиз. Тарихда номингиз қаро билан ёзилур.

А б у С а и д

Туҳмат, оғзингни юм, кўрнамак!

Т о в о н б е к

Улуғбек тарбиясида ўсдингиз, нашъу намо кўрдингиз, анга вафо қилиш ўрнига шуҳрат деб фитначиларга қўшилдингиз, сизни кўрнамак деса бўлади.

А б у С а и д

Ҳатто ҳамма Улуғбек Ҳазратнинг ўлигидан ҳам юз ўғиргандада, мен эҳтиром қилиб, кейинча бўлса ҳам ош, худойи, хайри-эҳсонларини шоҳона қилиб бердим.

Т о в о н б е к

«Улуғ ниятли» қотил ниятига етгач, ўз қурбонининг хотирасини улуғлаши, ҳатто шубҳалар тилини лол қилиш учун гўри устига мақбара қурдириши мумкин.

А б у С а и д

Олинг, кўзимдин йўқотинг, эртага шаҳарга жар солиб, дорга осдиурмэн, токим, овозаси Бойқарога етсин!

Т о в о н б е к

Худо йўлига киришим ўлимимга тайёрлигимдур. Мениндор билан қўрқита олмайсиз. (Товонбекни навкарлар олиб чиқади. Шоҳ ўзини бир оз тутиб)

А б у С а и д

Орғунбек у ердаги қўшини аҳволи нечук?

О рғ у н б е к

Талофатлар, ҳалок бўлганлар кўп, чегарагача чекиниб келдик. Гарчи Бадахшонликларнинг қўли баланд бўлса ҳам ўз сарҳадидан бери ўтмади. Уша ерда истеҳком қилиб турибмиз. Бир мингдин ортиқроқ қилич қолди, шоҳим.

А б у С а и д

Бадахшонни қоғозга туширган бўлсангиз ҳамма сардорларга кўчиритириб беринг. Довулбекни қўшини билан саҳарда йўлга чиқасиз. Қўшинимизнинг Жуванғаридан ҳаракат қиласиз.

Орғунбек

Иншоолло, шоҳим. (Орғунбек чиқади).

Абу Сайд

Товоңбекдин иш чиқмади. Бу балолар тинкамни қурилди.

Боргий

Бойқаро, Бадаҳшон хайриҳоҳларини ўзингиздин қанча тез нари қилсангиз, шунча тез балодин халос бўласиз, марҳаматли шоҳим.

Абу Сайд

Уларнинг эҳтиёт чорасини кўриб қўйғонман.

Боргий

Бош вазирнинг ҳам сизга зигирча садоқати йўқ. Унинг Навоийни мақташлари, оғзидин адолат тушмай бекларингизни ёмонлаши андин далолат берур.

Абу Сайд

Бизга садоқатингиз эвазига Домғон мавзуидин ўн табоб ер ва бир мевали боғ иноят қилдик.

Боргий

Бечорапарвар шоҳимиз омон бўлсинлар, иншоолло қулингиз қулликни ўрнига келтиргусидир.

Мадҳига ожиз қалам, шуҳратли сulton шоҳимиз,
Бу муборак остон ўлгунча саждагоҳимиз.

Абу Сайд

Офарин, ҳозиржавоблик қилдингиз.

Б оғ и й

(Овозини пасайтириб)

Боқи сўз шулким: эҳтиёт чорасини кўрганларида дўстим ошиқ бўлган гўзал қушни чўчитиб юбормасалар; керак бўлиб қолур. Оти Гули, Гули бўлганда қандоқ, Бадахшон Гули!

А б у С а и д

Моҳилиқони чўчитмаймиз. Энди бир сўнгти тадбир бор, они амалга ўзингиз ошиурсиз.

Б оғ и й

Қандай тадбир, шоҳим?

А б у С а и д

Ўзингиз Бойқаро олдига, Навонӣ юборғон бўлиб бо-
рурсиз.

Б оғ и й

Фоят қалтис тадбир, шоҳим!

А б у С а и д

Биз сафардин музaffer қайтганда, Бойқаро зиндо-
нимизда бўлса, қўшалоқ зафар бўлади. Унда биз сизни
амир қилиб кўтарумиз.

Б оғ и й

Муборак ниятларидин шодмен, иншоолло, ҳаводис
айтганларидек воқе бўлур.

А б у С а и д

Сизга олло ёр бўлсин.

Б о г и й

Шоҳимиз тахтлари пойдор бўлсин! (Қарсак, эшик оғаси киради)

А б у С а и д

Бизнинг қабулимиизни кутган ким бор, кирсин.

Э ш и к оғ а с и

Мавлоно Бадаҳшӣ, сизни хурсанд қилмоқчи, шоҳим.

А б у С а и д

Бу ҳам айниди, бир қўзини очиб қўяй. (Эшик оғаси, Богий чиқиб, Бадаҳшӣ киради)

Б а д а х ш и й

Ассалому алайкум, Аъло Ҳазрат, шарафли тарихингизни назм била ёзиб биткардим, марҳамат қилинилар! (Китобни икки қўллаб шоҳга таъзим билан олиб бориб беради)

А б у С а и д

(Варақлаб) Янги хаттотимиз кўчирдими? Оти нима эди?

Б а д а х ш и й

Мулла Соҳиб.

А б у С а и д

Фоят гўзал хат, анга иноят берурмен. Аммо сиз мавлоно, тузимизни оқламадингиз. Сиз бизнинг душманимиз бўлган Бойқаро, Бадаҳшонbekларига хайриҳоҳ бўлдингиз. Навоийнинг хаёлий адолати таъсирига берилдингиз. Ҳатто китобни ҳам Навоий таҳриридин ўтказиб, тарихимизни беэътибор қилгансиз. Шу боис сизни саройдин четлатурмиз.

Бадахший

Шоҳим, бу неча йиллик меҳнатимнинг мукофотими?
Илм аҳли, шеър аҳли, ўз халқим билан дўстлашсан
жиноят бўлурму?

Абу Саид

Сизга нисбатан адолатимиз шу — жонингиз омонда.

Бадахший

Ўз элим Бадахшонга кетамен.

Абу Саид

Йўқ. Ҳиротда назоратимизда яшайсиз, кўзингиз очил-
гунча. (Қарсак чалади).

Бадахший

Дарҳақиқат кўр эканмен, олти йил ҳеч нарсани кўр-
май, меҳнат қилибмен. Минг афсус.

Абу Саид

(Бадахший чиқиб, эшик оғаси киради)

Хаттот Соҳибни кўрмоқ истаймиз. (Эшик оғаси чиқа-
ди) Бу ғавголарга балки бош вазир бошдир. Бу бош оғ-
риғидан ҳам воз кечишим керак. (Соҳиб киради)

Соҳиб

Хизматларига тайёрмен, паноҳи олам.

Абу Саид

Китобга гўзал хатнингиз била оро берганингиз учун
Сизга юз тилла мукофот, мана олинг. (Бир халта бе-
ради)

Соҳиб

Арзимас меҳнатимни шунча қадрлаганингиз учун
минг бор қуллук, шоҳим.

Абу Сайд

Айтинг, аркони давлатимиз кирсии. (Соҳиб чиқади)
Қаҳримдан Ҳурросон титрайди. Салтанат учун қобилият
шунчалик бўлади-да. Энди Бойқарони йўлдан олсан бас.
(Шайхулислом, вазир олдин киради, сўнг аркони дав-
лат)

Шайхулислом

Хўш, Шоҳим нима қарорга қелдингиз?

Абу Сайд

Сургун қиласиз.

Шайхулислом

Уша бир рубоийси учун шариат ҳўкми—ўлим! Фатво-
ни ҳозир ёзиб берамен.

Абу Сайд

Унингизни ўчиринг, Шайх! Агар жазо сиз айтганча
бўлса, эртага Ҳирот халқи ҳам, Бойқаро ҳам салтанати-
мизга қарши кўтарилади. Ўйлайсизми буни?

Вазир

Ўзингиз бошдин саллангизни аранг оласизу яланг
бош олишга фатво берасиз. Бош олиш осонми, бош ҳам
ҳар хил... Шайхим! (Аркони давлат кириб, энди ўз ўрин-
ларига келиб турганда бир бек шошиб киради)

Бек

Шоҳим, Товоонбек қочибтур.

А б у С а и д

Нима?! Товонбек қочди? Қандай қилиб?

Б е к

Икки номаълум бек зинданбондин олиб, боғланган ҳолда саройдин олиб чиқиб кетибтур.

А б у С а и д

(Дарғазаб ўрнидан туриб югуради)

Қани зиндан беги, беклар, амирлар тезроқ из қувинг!
Шаҳар йўлларини беркитинг! Уйма-уй, боғма-боғ, кўча-
ма-кўча юриб тинтинг, қўлдан чиқарманг, бошингиз би-
лан жавоб берасиз! (Олдин шоҳ, кетидан ҳамма югур-
гилашиб чиқади. Саҳнанинг бир чеккасидан хурсанд Со-
ҳиб кўринади, қўлида бир халтача билан)

С о ҳ и б

Тавба, Шоҳ тиллони менга берганмиди, ё зинданбон-
ларгами?... (Кулади)

* * *

III.

(Тун, ҳаммаёқ жимжит. Навоий тор кўчада хаёлчан
қадам ташлаб келиб тўхтайди. У ғоят қайғули, паришон
ҳолда)

Н а в о и й

Самарқанддай улуг шаҳарга ёлғиз,
Кимсасиз мусоғир бўлиб борурмен.
На унда бор бирор мунис ҳамдамим,

Кўнглимни бўшатсамки, айтиб ғамим.
На давлат аҳлидин бор умид пича,
Қи, ишонч мададкор бўлса етгуча.
На у ерда аниқ иш, маош менга,
Десамки фарофат чин йўлдош менга.
На бир уй тайинким, ётар, туардин
Кўнгулгинам тинчиб, бўлсан хотиржам.
Аммо юрагимда биргина таскин:—
Самарқанд жаҳоннинг жило, сайқали.
Темур пойтакти, илм маскани,
Улуғбек осмонни кўзларга яқин
Қилган, ажойибот тўлиқ шаҳардур.
Шубҳасиз энг олий ниятларимга,
Дилда туфён қилган журъатларимга,
Самарқанд бўлади маҳкам пойдевор.
(Бир қора кўриниб яширинади, Навоий безовтала-
ниб орқасига қарайди).

Самандар оға ҳам тезроқ кела қолмади, анча вақт
ўтди, ўзим кетаверай, кейин ўзи борар. (Навоий бир ик-
ки қадам ташлагач, орқасидан бир киши жадал келиб,
уни елкасидан маҳкам ушлаб, ханжарни ҳавога кўтара-
ди. Шу лаҳза Оргунбек тайёр турган еридан чиқиб, аб-
жирлик билан кўтарилган ханжарли қўлни маҳкам уш-
лаб, зўр билан ханжарни тортиб олади. Навоий Оргун-
бекни овозидан таниб қолади).

О рғу н б е к

Кимнинг қўлида ўлаётганингни аниқ кўриб қўй,
имонсиз! (Бостириб кийган папоқ ва кўзигача боғлан-
ган чорсини олиб ташлайди)

Қопланмисан, мен бирорта пулга ёлланган алчоқми-
кин девдим. Яна ханжарингни қонга ботириб, амир бўл-
моқчимисан, аблаҳ!

Қоплонбек

Қоплонбекман, номимни тоқ айтма, хоннлигингин аввал билганимда нима қилишимни ўзим билардим.

Навоий

Эй маърифат жаллоди, Мавлоно Рожийнинг қони торткур, сенга мен не қилдим?

Орғунбек

Хўш, мендаю қасдинг бўлиши мумкин, аммо Навоийда нима қасдинг бор, ит?

Қоплонбек

Ўзим биламан...

Орғунбек

Мана, ўзинг билсанг! (Ханжар уради, ўлигини четга чиқариб ташлайди)

Бу малъун севгингизга чанг солмоқчи эди. Хайриятки, суиқасдни мен билиб қолдим. Алишер, энди хавфдин қутулдингиз.

Навоий

Фоят миннатдормен, Бек оға!

Орғунбек

Бу борада Абу Саиднинг ҳам нияти бузуқ, биз олдин олиб, Қулмуҳаммаднинг оиласини типч жойга кўчириб қўйдик, бу ёғидин ҳам хотиржам бўлинг, Алишер!

Навоий

Ташаккур.

Орғунбек

Алишер, Мавлоно Жомий ҳузурида узоқ ўлтириб, қотилни кутдириб қўйдингиз. Мен ҳам бу чоққача ишимни бажариб, ярим уйқуни олган бўлардим.

Навоий

Ортимдан ажал изғиб юрганини пайқамабмен. Шукур, ажал эгасини топди.

Орғунбек

Мавлоно Жомийга вазиятни айтдингизми, пима дедилар?

Навоий

Узлари эшишибдилар. «Самарқанд Сизга қанот бўлади. Хайриятки, Балхга сургун қилмабди, Қоплонбек қўлига тушмайдиган бўлибсиз», деб эдилар. Баттолининг қўлига тушишимга сал қолди.

Орғунбек

Пир хўб айтибдилар, «Самарқанд сайқали рўйи заминаст», Алишер. Албатта унда Сиз ғазалга жило, кўнгулга наво топасиз. Бугун саҳарда мен қўшин билан Бадахшон сарҳадига жўнаймен, жангда саломат қолсам дийдор кўришармиз, унгача хайр, Алишер!

Навоий

Илоҳим саломат бўлинг, Сизга оқ йўл бўлсин, бек оға! (Самандар қўлида китоб билан киради).

Орғунбек

Шу ҳам ҳомийлик бўлдими, Самандар, Алишерни ёлизиз қўйиб, қаерларда юрибсиз?!

Самандар

Ҳа деганда Алишер сўраган китоб топила бермай,
Марварий ҳужрасида кутиб қолдим.

Орғунбек

Бу ердан тез кетинглар, хайр! (Орғунбек чиқади)

Самандар

Нима бўлди, Алишер, рангларингиз қув ўчган?

Навоий

Мени оллои таоло бир ўлимдин асрари, оға, қани бу
машъум ердин тез кетайлик! (Чиқишади).

* * *

III боб

I.

Адир ёнбағри, сой соҳилида Бойқаро қароргоҳи. Шоҳи чодир, чодир олдида гулдор хонтахта, курсичалар қўйилган. Хонтахта устида нозу-неъмат, пиширилган гўшт, май, қадаҳлар. Шаҳзода икки баҳодир билан ўтирибди. Чодирнинг орқа икки ёнида иккита наизали посбон.

Бойқаро

(Осмонга қараб)

Қаранг, кўкда бургут ўз боласини,
Пухта ўргатмакда баланд парвозга.
Беозор чанглаб, уни юксакка
Олиб чиқиб, бирдан ташалади пастга.
Ўрганмаган, ожиз қаноти толиб,

Тобора қуйига кетса, ўша чоғ,
Шўнғиб келиб, кучли панжаларида
Тутиб уни, яна юксалди кўкка.
Яна қуий ташлар, боз етиб тутар.
Шу алфоз ўргатур бургутча парвоз.
Шу бургут сингари менга Товоңбек
Ўргатди мукаммал ҳарбий санъатни.
Биринчи жангга ҳам у олиб кирди,
Хавфда қолсам бургут бўлиб қутқарди.
Уруш қоидасин, жанг маҳоратин,
Оз билан кўпга ҳам шикаст бермоқни
Жанггоҳда ёнма-ён юриб ўргатди.
Мардликни мардона туриб ўргатди...
Мана у кўпдандир зинданда азоб —
Чекса ҳам сақлайди менга садоқат.
Уни қутқаришга мен кўп уриндим,
Аммо ҳаракатим кетди беҳуда.

Борлосбек

Шаҳзодам, қайғирманг, ғамдин не фойда,
Боши омон бўлса, бир кун келади.

Тўқлиkbек

Товоңбек дўстимиз, эмас нотавон,
Пайт топди, қафасни парчалар шердай.

Бойқаро

Саройидаги содиқ кишиларимиз
Қутқармай тинчимас, уни зиндандан.

Хос йигит

(кириб)

Шаҳзодам, ўн отлик йигитлар келди,
Навкар бўлиб сизга қўшилмоқчилар.

Бойқаро

Бошлиғи кирсин. (хос йигит чиқади)
 Қаердан келишди, қай шаҳзодага
 Бевафолик қилиб қочишди экан?

Борлосбек

Пароканда бўлиб юрганлардандир,
 Бунақаси элда ҳали жуда кўп.

(Келганлардан бирини олиб киради)

Келган йигит

Ассалому алайкум!

Бойқаро

Ваалайкум ассалом, биз томон қандай юмуш билан
 келдиларинг?

Келган йигит

Бизлар Бадахшонлик бек йигитларимиз,
 Мағлублик дардидин юраги қонлар.
 Абу Саид Мирзо зафар қозонди,
 Бадахшонни қилиб ўз қонига гарқ.
 Хонимиз Лаъл эса, жангда ер қучди,
 Беклар боши жаллод зарбидин учди.
 Шаҳзода Ибн Лаъл тоғларга қочиб,
 Биздек йигитлар-ла жон сақлаб қолди.
 Бизларни Сиз томон ўша юборди,
 Ҳадемай бу ерга ўзи ҳам келур.

Бойқаро

Эшитдим, Бадахшон Лаълиси яшнаб,
 Мирзо кўзларини ўйнатиб қўйди!
 Жаҳон бозорида устун бўлай деб,

Бебаҳо конларнинг иштиёқида,
Бадахшон устига зўр қўшин сурди.
Сизга қайғудошмен, ғамли йигитлар!

Келган йигит

Ташаккур, шаҳзода!

Борлосбек

Тоғларда беркинган йигитлар кўптур?

Келган йигит

Жуда кўп, деярлик бутун Бадахшон,
Қасос олмоқ учун оёқقا турди.

Бойқаро

Элда «Алқиссасу минал ҳақ» деган
Қалима бор экан, тинчимас жаҳон.
Меҳмон, дам олинглар, узоқ йўл босиб,
Роса чарчагансиз, бу ер хушҳаво.
Тўқлиkbек, буюринг, меҳмон қилишсин.
(Тўқлиkbек меҳмонни олиб чиқади)
Роса ўн йил бўлди, тожу тахтни деб
Жон олиб, жон бериб жанг қиласурмэн.
Бобом, Амир Темур нафаси ила
Марвда ҳоким бўлдим биринчи марта.
Қиличдай ушладим унинг руҳини,
Кўксимга жойладим газаб ўқини!
Жанг билан забт этиб Абувард, Нисо,
Сўнгра Астробод тахтига чиқдим.
Шунда Абу Саид изимга тушди,
Икки бор қувлади Астрободдан.
Сўнгги севинчим ҳам йўқолди тушдай,
Хоразмни олиб, энди ҳукмрон

Бўлганимда, келди Абу Саид боз
Устимга зўр қўшин тортиб, дарғазаб.
Жанѓда мағлуб бўлиб, ўзимни аранг
Қутқариб қололдим, лашкарим яксон!
Шундан бери сарсон, Даشت қипчоқнинг
Ҳокими мутлақу — қароқчисимен.
Токай кечар умрим бу хил сар-сари,
Борми нажот йўли менга ҳам, раббий!
Биласман, Борлосбек, омад йўқ, омад!

Б о р л о с б е к

Раҳматлик бобонгиз буюк Темур ҳам
Сиздай юриб бўлган зўр соҳибқирон.
Ноумид шайтон дер, азиз шаҳзодам.
(Тўқлиқбек хурсанд киради)

Т ў қ л и к б е к

Шаҳзодам, Зуннун Хўжа бир сурув қўй бериб юбо-
рибдур.

Б о й қ а р о

Хайрият, бизни унутмаганлар ҳам бор экан.

Б о р л о с б е к

Ҳали Хурросонда сизга хайриҳоҳ боёнлар, амирлар,
беклар кўп. Сал ишингиз юришса ўзини гўштга урган
аридай ёнингизга келишур.

Б о й қ а р о

Иншоолло, айтганингиз келсин! (хос йигит кириб).

Х о с й и г и т

Шаҳзодам, бир мулла келди, Алишер Навоий юбор-
ди дейди, кирсинми? (Бойқарода жонланиш)

Бойқаро

Кирсин, кирсин тез, нима хабар келтирди экан?

Борлосбек

Илоҳим, хушхабар бўлсин. (Боғийни олиб кириб, хос йигит чиқади).

Боғий

Ассалому алайкум, шаҳзода!

Бойқаро

(Ўрнидан туриб)

Ваалайкум ассалом! Э, мавлоно Боғий, сиз нима қилиб юрибсиз, гадой топмас бу ерларда, келинг, марҳамат, ўлтиринг. (Ўлтириб фотиҳа қилишади)

Боғий

Омин, шаҳзода нияти мақсадларига етсинлар, оллоҳу акбар!

Бойқаро

Хуш келибсиз!

Боғий

Хушвақт бўлинг, шаҳзодам.

Бойқаро

Мавлоно, Хиротда нима гаплар, қандай ташвиш сизни бу ёқларга йўллади?

Боғий

Абу Саид Мирзо шу кунларда ҳаммага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди. Сарой аҳлини, Ҳирот фуқаро-

сини ранжитиб, Мавлоно Навоийни Сиз ва Бадахшонликлар билан алоқада айблаб Самарқандга сургун қилди. Мавлоно Бадахший, Ҳофиз Қулмуҳаммад билан мени саройдин четлатишга ҳукм этди.

Бойқаро

Мирзо ҳаддидин ошябди.

Борлосбек

Ҳаддидин ошмаса ажал тортмайди, шаҳзода.

Богий

Бош вазирни эса, Навоийга хайрихоҳ, менинг сиёсатимдин норози деб ишдан олиб, ўрнига нодон девонбегини тайинлади.

Бойқаро

Ҳозир Алишер қаерда, Мавлоно!

Богий

Тез Ҳиротдин чиқиб кетиш буюрилгани учун Самарқанд йўлига тушди, ҳамма ёронлар кузатиб, бир қишлоққа келганимизда «мен шаҳзодамни кўрмай кетмаймен. Сиз бориб, шаҳзодага айтинг, имкони бўлса келсин, сўнгги бор кўришиб, хайрлашиб қолай» деб мени бу ёққа юбордилар, Сизнинг қароргоҳингизни аранг топдим, шаҳзода!

Бойқаро

Албатта, бориб кўрамен, Мавлоно, агар Сиз мени топмаганингизда дўстимни кўролмай қолиб, кейин балки армон бўлурди. Чеккан азиятларингиз учун ташаккур.

Б оғ и й

Мавлоно Навоий учун ҳар қанча азият чексам кам!

Б ойқар о

Тўқлиқбек, беш-ўн отлиқни йўлга ҳозирланг!

Т ў қ ли к б е к

Хўб, шаҳзодам. (чиқади)

(Орқадан: «Саломат келдингизми сардор, хайрият, хайрнят» деган сўзлар эштилади. Бофий чўчигандек ўрнидан туради, қўйнидан ханжар олиб, енгини ичига яшириб тайёр туради. Бир оздан сўнг мардона қадам билан Товонбек кириб келади, соч, соқоллари ўсган ҳолича).

Б ойқар о

Бормисиз, Товонбегим, сардорим! Тангрига минг қатла шукурким, Мирзо панжасидин омон қутулибсиз, азиз устозим!

Б ор лос б е к

Кўзларимга қувонч тўлдиридинг, дўстим. (Товонбек билан қучоқлашиб кўришади. Товонбек Бофийни кўриб ҳайрон, қаҳр билан қарайди унга)

Т о в о н б е к

Бу хоин Сизни ҳам пинжингизга келиб кирибди-да, Мирзо! Яхши вақтида етиб келдим, бўлмаса Сизни ҳам бир балога йўлиқтирап эди. Мени ушлатган, зиндонга ташлатган ҳам шу. Навоийни сургун қилдирган ҳам, Қулмуҳаммад, Бадахшийларни саройдин ҳайдатган ҳам шу! Сен жосус, абраҳими мана шу салланг билан осиб ўлдириш керак.

(Жадал унга яқин бориб, салла пешини тортиб, бўй-

нига айлантириб бўға бошлайди. Богий Товонбекка ханжар уради, Товонбек жон халфида унинг қўлини қайириб, ханжарини олади-да Богийга уради, ўзи йиқилади. Қўлидан тушган ханжарни Борлосбек дарҳол олади. Посбон йигитлар келиб, Богий қўлини орқасига боғлайди).

Бойқаро

Тез табибни чақиринг, устозим, баҳодирим, Сизни нима қилиб қўйди, бу тўнғиз! (Товонбекни суюб, кўксига олади)

Бир жаҳон қувончимни мотамга айлантириб қўйди, иблис! Менинг олдимда бу жиноятга қандай журъат қилдинг, зоти паст, ювиндихўр! Мардуд!

Богий

Мен учун у ҳам бир, Сиз ҳам бир, бу ишим Сизга хиёнату кимгадир садоқат, шаҳзода!

Бойқаро

Тилингни тий, иблис! Олиб чиқинг, малъунни бу ердан! Жони омонда сақлансан, ундан кўп сирни билиши миз керак. (Богийни олиб чиқишади. Табиб кириб Товонбек жароҳатини боғлайди, у ўзига келиб сўзлайди)

Товонбек

Шаҳзода, мендан рози бўлинг, борлос уруғимга доғ туширмай ўляпмен, Сизга қўлимдан келганича хизмат қилдим, тақдирим шундай экан, начора! Шаҳзода, Мирзо саройида Сизга муҳаббати зўр беклар бор. Алар мени зиндондин қутқаришди. Улар яқинда Сиз билан алоқа боғлашади, уларга ишонинг, содиқ кишилар, хусусан Оргунбек, Мулла Соҳиб! Барака топсин, ажойиб йигит!

Алвидо Борлосбек! Тўқлиkbек, жангдош дўстларим! (Ҳазин қўшиқ айтади).

Дунёга келиб, доғида армон била кетдим,
Умрим бўйи дард чекдиму виждан била кетдим.
Номимни унут айламангиз дўсту ёронлар,
Сизларга ишонч кўргизиб, имон била кетдим.
Ҳақ йўлни тутиб, кимсага мен бермадим озор,
Қаддимни сира буқмадиму сўзон била кетдим.
Орзу тилагим кўп эди, ҳеч қайсисига етмай,
Бир дурру жавоҳир тўла уммон била кетдим.
Фарзанду жигарпораларим Сизга ҳавола,
Мен элга қўшолмай, доғу армон била кетдим.
(Товонбекни суяшиб чодирга олиб кириб кетаётган-
да Навоий, Оргунбек, Бадахший ва Самандарлар ки-
ришади, Товонбек билан кўришади).

Н а в о и й

Ассалому алайкум Шаҳзода, бу не ҳол, Товонбек
огамга нима бўлди?

Б о й қ а р о

Келинг дўстим, Алишер, кўргилик бор экан.

Н а в о и й

Ажал чангалидан аранг қутулганингизда, яна қан-
дай дардга гирифтор бўлдингиз, оғажоним!

Т о в о н б е к

Азизим, тўғри одамга замонамизнинг мукофоти шу!
Менинг жанг-у жадаллардан муродим — Шаҳзодани
шоҳ, Сизни вазири аъзам либосида кўриш эди. У менга
насиб бўлмади. Аммо иккингиз мен орзу қилган дара-
жага албатта, етасизлар. (Беҳолланади, чодирга олиб
киришади).

Н а в о и й

Шаҳзода, Товонбек оғам қочиб келаётганда Мирзо йигитлари ўқидан жароҳатланибдими?

Б о й қ а р о

Йўқ, ўз кўз олдимда, Бофий ханжари зарбидин йиқилди, доғда қолдим. Бофий бизга қўйилган жосус бўлиб чиқди. Кўнглим зулматга айланиб қолди. Бу ёғи Сизнинг сургунингиз. Минг азобда зиндандан қутқазган Орғунбек олдида ҳам гуноҳкормен.

Б а д а х ш и й

Бофий!

О рғ у н б е к

Ҳай, аттанг, қандай одам эди-я! Ишқилиб шифо топиб кетсин!

Б о р л о с б е к

Орғунбек, минг жангдан омон чиққан, дўстимиз Товонбек келиб-келиб ўзининг ҳаром тукига ҳам арзимайдиган, мумшиқ, қирчанғи қўлидан шикаст еганига ачинамен.

Б а д а х ш и й

Мен лақиллаб, баттол, гўрингда тўнғиз қўпгурни чумолидай беозор деб юрибмен.

Н а в о и й

Мен поқобил шоирлар орасидан баҳил, иғвогар, шуҳратпараст чиқишини билурдим. Аммо бундоқ жосус, қотил чиқишини хаёлимга ҳам келтиргмаган эканмен.

Бойқаро

Борлосбек, лаънатини бу ёққа олиб киринг. Муртод башарасини кўришиб қўйишсин.

Навоий

У абраҳими менга кўрсатиб не қилурсиз, Шаҳзодам.
Кўргали кўз ҳам ҳазар қилур.

Бойқаро

Борлосбек, олиб чиқиб, чоптилинг! (Борлосбек чиқади, Лаълий киради)

Лаълий

Ассалому алайкум устоз, Сиз билан хайрлашолмай
қолдим деб кўнглим тўла армон эди. Хайрият, оллои
таоло кўришмоқни насиб этди.

Навоий

Таважжуҳлари учун раҳмат, Шаҳзода!

Лаълий

Оёғим ярашмади, Шаҳзода, мусибат устидан чиқдим.
(Борлосбек Богийни тепа йўлдан олиб чиқади, Богий
йироқдан Бойқарога)

Богий

Шаҳзода, ўлдиришга ошиқманг, Сизга муҳим сирлар-
ни айтиб бераман.

Борлосбек

Энди сирларингни мункар-накирга айтасан, бос тез-
роқ, жаллод мунтазир бўлиб қолди. (Богийни итариб
пастга олиб тушиб кетади)

Б о й қ а р о

Бизнинг ҳозирги саргардон, шамшир ҳаётимиизда бундай қабиҳликларнинг бўлиши табиий шаҳзода. Сизнинг қайғунгиз ҳам ўзингизга етарлик. Ушанда падари бузрукворингиз менинг таклифимга рози бўлганда бундай фожия бошига келмаган бўлурди.

Л а ъ л и й

Бу йўлга кечикиброқ кирдим, падари шаҳсуворимдан айрилдим. Энди мен Сизга қўшилиб падарим, халқим учун Абу Саиддан қасос оламен.

Н а в о и й

Балли, шаҳзода! Сиз учун тўғри йўл шу. Ҳақ томонга ўтишнинг кечи йўқ, шаҳзода. Бузрукворингиз янглишган экан, Сиз янглишманг.

Б о й қ а р о

Шаҳзода, сардор Оргунбек ўз кишимиз, билиб қўйинг. Ҳалидан бери унга қовоқ уясиз.

Л а ъ л и й

Мен қаёқдан билай, ватанимга босқинчи ҳоким, шоҳнинг ўнг қўл сардори деб юрган эдим.

Б о й қ а р о

Дўстим Алишер, Сизни ўз ёнимда олиб қолай десам, аҳволим ўзингизга маълум, ҳозир мен ватансиз ватанпарвар, тожу тахтсиз шоҳмен. Бугун боғда бўлсам, эртага тоғда.

Н а в о и й

Сизни муқаддас Ватаи кўтариб турибди, уни севиш, халқини ардоқлаш билан ўзингизга нажот йўлини очур-

сиз. Сиздан Мирзо Улугбекнинг акс садоси қайтади деган умиддамен.

Б о й қ а р о

Дўстона маслаҳат, яхши тилакларингиздин миннатдормен, Алишер!

Н а в о и й

Мана ҳамма дўстлар билан кўришдим, кўрмаган битта устоз Саид Ҳасан Ардашер қолди, иложсизмен, у йироқда. Энди отахоним олдига борай, алар билан хайрлашиб, йўлга чиқурмен.

Б о й қ а р о

Самандар ҳам Сиз билан бирга кетсин, Сизни жойлаштириб, сўнг бизга қайтур.

С а м а н д а р

Қайтишим қийин марҳаматлик Шаҳзодам. Агар қайтсан Алишер била қайтурмен.

Б о й қ а р о

Ундей бўлса, кўп яхши, Алишерга садоқатингиз учун Сиздан бир шаҳар қарздормен.

С а м а н д а р

Худди кўнглимдагини топиб айтдингиз, биз ҳам ҳокимликка ярашамиз, Шаҳзодам. Биздақалардин ҳокимлар чиққанда, элда омон-омон, яхши замон бўлиб кетарди. (Кулги).

Б о й қ а р о

Йўқнинг қўнгли йўрга тилайди, дегани шу-да. Самандар ҳам анойи эмас.

Н а в о и й

Самандар оғам жуда тўғри айтдилар, агар ҳоким бўлса, адолатпеша бўлади.

Б о й қ а р о

Алишер, биласиз, Самарқандда қўп турғанмен, анда яқин кишиларимиз ҳам кўп, аларга хабар қилиб, Сизга эътибор бунёд қилурмэн, ўзимиз ҳам ҳолингиздан хабардор бўлиб туурмиз.

Н а в о и й

Менга Сизнинг саломатлигингиз керак, Шаҳзода ўзингизни эҳтиёт қилинг, саломат дийдор кўришайлик!

Б о й қ а р о

Мана кўчманчиларнинг машҳур сардори Тўқлиқбек ҳам беш туғли аскари билан менга қўшилди. Йигитларининг деярлик ҳаммаси ўлимдан ҳам қайтмас така туркман.

О р ф у н б е к

Абу Сайд Мирзо қўшинидаги қўп беклар Сизга хайриҳоҳ, Шаҳзода. Тўқлиқбек билан кўчманчилар, Ибн Лаъл билан Бадаҳшон, Борлосбек, Товонбек билан бутун Борлос уруғи Сизнинг фармонингизда.

Б о й қ а р о

Иншоолло, бу қудрат била тез орада салтанат қўлга киур, тахтга ўлтиришим билан Сизни ёнимга чақириб олурмэн, давлатни бирга идора қилурмиз, ижодингизга ҳам шоҳона имкон берурмэн, баланд руҳ билан «Ҳамса» битурсиз ва салтанатимиз шуҳратини жаҳонга таратурсиз.

Н а в о и й

Ширин кунларни келтирмоқ иложи,
Башар онги билан фаннинг ривожи,
Жаҳон обод, агар виждан тирикдур,
Ўлик виждан жаҳонга кўргиликдур.
Билиб виждан била иш кўрсалар шоҳ,
Бўлур халқи анга жон бирла ҳамроҳ.
Бунингдек шоҳ асрлар кўрмади ҳеч,
Адолат бирла давлат қурмади ҳеч.
Ажаб эрмаски, шаҳзода ниҳоят,
Эли-халқ кўрсалар Сиздан адолат.
Сиза давлат қуши қўнгандан замондин,
Овоза элга бўлсин ал-омондин.
Кулоғимга бу сўз етгач келурмен,
Умрбод халқ учун хизмат қилурмен.

Б о й қ а р о

Алишер, давлат сиёсатида ишончим — Сиз. Ёшлика да
Сизга берган сўзим—сўз. Руҳингизни туширманг, бардам
бўлиб юринг, эртага кузатиб қўйиш учун биз ҳам йўлга
чиқурмиз.

Н а в о и й

Иўқ, Шаҳзодам, овора бўлманг. Менга дабдабанинг
ҳожати йўқ. Самандар оға билан самандар бўлганимиз
яҳши. (Орғунбекка қараб). Бек оға, ҳаётимни сақлаб
қолганингиз учун Сиздин умрбод қарздормен, хайр!

О рғу н б е к

Бу қарзни фақат ижод билан узасиз, Алишер.

Н а в о и й

Жоним билан. (Навоий, Бадахший, Самандар хайр-
лашиб чиқади).

Б о й қ а р о

Орғунбек, бирор ҳодиса бўлганмиди?

О рғу н б е к

Алишерга Қоплонбек суюқасд қилган эди, чуқурга ўзи тушди.

Б о й қ а р о

Хайрият, бир қузғун жаллоддан эл қутулибди.

Б о р л о с б е к

Шаҳзода, Товонбекдин айрилиб қолдик. (Чодирдан чиқиб).

Б о й қ а р о

— Оҳ! Устозим! Бевақт мени ташлаб кетдингиз. Э воҳ энди нима қилдим. (Ҳаммаси чодир томонга ўтишади).

* * *

II.

Ҳирот вилоятининг Самарқанд йўлидаги чекка бир қишлоғи. Қулмуҳаммад қариндошининг ҳовлиси. Бу ерга Гулинин ҳарамга олинишидан қочириб келтирилган. Саҳнада кўча ва уйнинг саҳни кўрсатилади .Гули ёлғиз. Мусиқа.

Г у л и

Кетма-кет келган бу ҳижрондин тўлиб, йиғлар кўнгул, Кўзларимга кенг жаҳон ҳам тор бўлиб, йиғлар кўнгул.

Ёри жонимга ишончим бўлган гўё бу чархнинг
Шўр ишидин чеҳраи олим сўлиб, йиғлар кўнгул.

Ёшлигим истар ўйин-кулги vale қўймас замон,
Меҳри қаттиқ, муз кўнгиллардин тўниб йиғлар
кўнгул.

Бир хазон япроғи янглиғ чирт узиб ташлаш учун,
Даҳр эли чўзмоқда қўл, ким ўртаниб, йиғлар кўнгул.

(Хосият, қўшиқ охирида ичкаридан чиқиб, Гулига
таскин бермоқчи бўлиб куйлади).

Хосият

Ўзни тут, беҳуда қилма оҳу афғон, жон қизим,
Этма бу ғамхона кўнглим тийра вайрон, жон қизим.

Ерга бердим неча фарзандимни, қолдим доғида,
Хайрият сен улғайиб уйғонди армон, жон қизим.

Элда авлодим кўпайсин, бу менга ному нишон,
Шод этишгай эслалиб, руҳимни ҳар он, жон қизим.

Эл назар этган киши ҳар ерда эъзозу азиз,
Солма коҳиш кўнглинга, сабр эт, ғазалхон, жон
қизим.

Гули

Нега мени ойижон, алдадингизлар,
Доғда қолдириб, дилим доғладингизлар.
Алишерим бошига ғам тушган чоғда
Бўлолмадим, ғамгузор, бу мёнга алам.

Хосият

Нега сени алдаймиз, ўргулай қизим,
Алишер бу ерга келмасдин кетмас.

Гули

Кетиб бўлган Алишер, ахир бу ерга —
Келганимга ҳам ўзи бир ойча бўлди.

Хосият

Жон қизим, буёққа келтириб сени
Бир офат, қайғудин асраридик омон.
Бўлмаса тушардинг шоҳ ҳарамига,
Мен чидай олмасдим дард, аламига,
Сени яширишни ҳам Алишер айтди.

Гули

Кетмаган бўлганда келарди бу чоғ,
Аллақачон кетган, кетган, ойижон.
Овуниш — мағзи йўқ бир писта пўчоқ.

Аммаси

(Қосада овқат олиб чиқиб)

Кетмаган Райҳона, куйинма бунча,
Билиб келур тоғанг, Ҳиротга кетди.
Яхшиси мана бу маставани ич,
Тузук овқат емай ўзингни анча
Дарду қайғуларга олдириб қўйдинг.
(Райҳона, Хосият олдига овқат қўяди)

Хосият

Иссиқ-иссиқ ич қизим, ўйланма ортиқ,
Алишерни бу ердан кузатиб, кейин
Бадаҳшонга кетамиз, токи Алишер

**Самарқанддан саломат қайтгунигача,
Ўз она юртимизда яшаб турамиз.**

(Овқат ичишади, Навоий, Самандар кўча дарвозаси олдида тўхтаб, кўчиб кетаётганларни кўриб)

Н а в о и й

Ассалому алайкум, йўл бўлсин, қаёққа отажон?

Б и р к е к с а

Тоққа кўчиб кетаётибмиз, ўғлим, жарима кўп, бунинг устига ҳали бу бек, ҳали у бек, ҳали Абу Сайд навкарлари талайди, зулм тинкамизни қуритди, энди табиат ҳукмрон жойларда яшамоқчимиз. Ҳа, шундай ўғлим. Дехқон ҳоли хароб, оч, яланғоч! (Йўлида давом этади).

Н а в о и й

Афсуски, тўқлникни яратувчи ҳалқ
Бошида кўргулик, беҳад кўргулик.
Гар дехқон тўймаса эл тўярмиди?
Улкада фаровон кун бўлармиди?
Бу хўрлик, кулфатнинг охири борми?
Ё дунё элнинг кўз ёшига зорми?
(Дарвоза зулфини қоқади).

Х о с и я т

Ким у?

Н а в о и й

Бу мен, онажон!

Х о с и я т

Ана қизим, Алишербек келди, кираверинг, ўзимиз Алишербек. (Гули чеҳрасида қувонч)

С а м а н д а р

Алишер, Сиз кириб туриңг, мен мулла Соҳибни ҳу,
нарига бориб кутиб турай, тагин ўтиб кетиб қолмасин.
Биз Мавлоно Бадаҳший билан бирга кирамиз.

Н а в о и й

Маъқул. (Навоий ичкарига киради, Самандар нарига
боради).

Х о с и я т

Омон чиқдингизми у исканжадин,
Исканжа демайким, қонли панжадин?

Н а в о и й

Омонлик ойижон, шукур, қутулдим,
У муртад кўзларнинг иҳотасидин.

Х о с и я т

Мени денг, Райҳона кўп қилди хуноб,
Кўролмай қолдим деб Алишеримни.
Кетмаган десам ҳам кетган деб йиғлар.

Н а в о и й

Наҳотки, сен билан кўришмай кетсам,
Кўрмай кетишимга ишондингми, а?

Г у л и

Сизни мажбур қилса, кетгансиз, дедим,
Бу чоғ Самарқандга етгансиз, — дедим.

Х о с и я т

(Дастурхон, косаларни олиб)
Мен чой дамлаб чиқай!

А м м а с и (Чиқиб)

Хуш келибсиз Алишер, биз Сизни уйга чақириб, хурсанд қиласиз деб юрувдик, бу кўргулик бизни армонда қолдирадиган бўлди.

Н а в о и й

Раҳмат опа, ҳали бу хонадонга кўп келурмиз.

А м м а с и

Илоҳим, айтганингиз келсин (ичкарига киради).

Н а в о и й

Яна сени ташлаб, ҳижрон, фироққа
Гулим, кетар бўлдим Самарқанд ёққа.
Иложисиз сафардур, бу ғамли сафар,
Одам эртасидин доим бехабар.
Ўйимда йўқ эди бундоқ бўлиши,
Толенинг истеҳзо билан қулиши,
Туғилган элимдин айрди бевақт,
Одам деган шунча бўлурми бебаҳт.

М у с и қ а

Хуш кузатгил сен мени, ҳаргиз кўзинг намланмасин,
Чехраи олингга гард қўндирма, у замланмасин.

Гар саломат бўлса, қайғурма, мақол: «кетган келур»,
Шод бўл, доим баҳор кўнглинг сира ғамланмасин.

Ким етибдур ҳажр дардин тортмайин ёр васлига,
Узма васлидин кўнгул орзуларинг камланмасин.

Елга бер, дарёга сол қайғу алам, ҳасратниким,
Аста кўнглинг томчилаб, ғарқ этмасин, жамланмасин.

Эгма бош, мағрур бўл ёринг адолат ёридур,
Синмагай, ғолиб келур бир кун, бошинг хамланмасин.

Гули

Зум яна бағрим жароҳатлади,
Кечагина ҳижрон чекилиб, беҳад
Менга қувонч бўлиб келган эдингиз.
Ҳали тўймай туриб дийдорингизга,
Яна фироқ келди, яна айрилиқ...

Мусика

Билмам сени тўйиб бир кўрдимми, кўрмадимми?
Қониб ёнингда суҳбат қурдимми, қурмадимми?
Етдим деганда ҳижрон келиб, нетай унутдим,
Дийдор васли завқин сурдимми, сурмадимми?

Эслаш қийин бирор дам келган кунингда яйраб,
Таъзим билан қошингда турдимми, турмадимми?

Қайдин билай, хушим йўқ ҳижронни ларзасидин,
Кўнгул очиб сенинг-ла юрдимми, юрмадимми?

Билмон, келиб кўнгулни шод айлаган чоғингда
Ҳолинг қилиб такаллум сўрдимми, сўрмадимми?

(Хосият дастурхон, чой олиб чиқади, у билан баробар
кўчадан Бадахший, Самандар, Соҳиб киради).

Соҳиб

Ассалому алайкум, устоз! Менга бир зарур иш буюрилган эди, андин бу ёққа Сиз билан келолмадим, узр!

Навоий

Вaalайкум ассалом, чакки овора бўлибсиз, ўша хайрлашганимиз бўлур эди, мулла Соҳиб.

Соҳиб

Сиз учун умрбод овора бўлишга тайёрмен. Устоз, мен биринчи маошим билан Сизни зиёфат қилмоқчи эдим, у насиб бўлмади, мусофириликда Сизга пул керак бўлур. Мана шу биринчи маошу мукофот пулимни оласиз, виждан амри шу бўлди. (Халтачадаги пулни Навоийга беради. Навоий очиб кўриб)

Навоий

(икки тилло олиб)

Мана биз чашнасини олдиқ, қолгани ўзингизга. (Халтани Соҳибга узатади)

Соҳиб

Йўқ, устоз, ҳаммасини оласиз, бўлмаса хафа бўламен.

Навоий

Текинни олишга ўрганиш ёмон, кўз олароқ бўлиб қолади. Бундай киши бирор дастрўмол олиш учун киссага қўй солса ҳам бир нима умидвор бўлиб туради. Мен андоқ бўлиб қолишдан қўрқамен.

Соҳиб

Жуда муболага қилдингиз, мен шогирдлик қарзини адо этурмен. Ҳеч йўғи, бир чангол олинг, хафа қилманг. Қўнглумнинг хурсандлиги шу, устоз.

Навоий

Ҳа, майли, сазангиз ўлмасин. (Халтага қўл солиб бир чангол олиб, халтани беради). Ҳимматингиз учун ташаккур, Мулла Соҳиб, мана Самандар оға, буни олиб қўйинг. (Беради) Хизмат ҳақингиз, кўп ўрнида кўрасиз.

С а м а н д а р

Мулла Соҳибни хурсанд қилиб, мени хафа қилмоқ-чимисиз, Алишер. Менинг хизмат ҳақимни Шаҳзода берган, эҳтиёт қилиб қўйинг, десангиз бошқа гап.

Н а в о и й

Мулла Соҳиб, Ҳиротда не хабарлар бор?

С о ҳ и б

Устоз неча кундирки, Ҳиротда бир хушхабар кезиб юрибди.

Н а в о и й

Хайрият, жафокаш Ҳирот фуқаросининг қулоғига ҳам хушхабар етар кун бор экан. У қандай хушхабар?

С о ҳ и б

Қайси куни Қоплонбекнинг ўлиги қалъанинг иҳота хандагидан топилди. Қотили ким бўлса ҳам ҳалқ ҳукмими ни адо этибдур. Аммо Шоҳ бу воқеадан изтиробга тушди, гумони мингта...

Н а в о и й

Ҳамиша золимнинг ўлими беҳад,

Элга аза эмас, қувонч келтиур.

(Шу қишлоқлик икки-уч қиши киради. Бирининг қўлида дўмбираси бор).

Ассалому алайкум!

Ҳ а м м а

Ваалайкум ассалом! Қани буёққа.

Б а х ш и

Ҳалиям келишмабди-ку.

С а м а н д а р

Қим келиши керак эди?

Б оғ б о н

Қўшнимиз Қаримберди Мавлоно Навоийни олиб келиш учун Ҳиротга кетган эди.

Н а в о и й

Биз ҳам кутиб ўлтирибмиз, келишиб қолур, марҳамат, ўлтиринглар.

Б а х ш и

(Ўтиргандан сўнг фотиҳа ўқишиб)

Биз яқин орада Мавлоно Навоийни бир кўриб келамиз деб юрувдик.

Н а в о и й

Нима касб қиласизлар?

Б оғ б о н

Мен боғбон, бу баҳши чўпон, мана бу дўстимиз темирчи. Биз Навоий ғазалларига муҳлисмиз, унинг ҳақида қизиқ ҳангомалар ҳам эшитганмиз. Абу Саид Мирзо Самарқандга сургун қилганини эшитиб кўп хафа бўлдик.

Т е м и р ч и

Оразин ёпқач кўзимдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.

Навоийнинг шу байтига Солмандин қолишмайдиган Мавлоно Лутфий «Умрим бўйи ёзган ашъоримни олиширамен», деб баҳолабдур. Бу чоғда Навоий ўн беш ёшда эканлар.

Баҳши

Машҳадда бир байт маъносини айтишда, девони шуҳ-
рат топган шоир Камол Турбатийни мот қилганини айт-
майсизми? Ўшанда Навоий унинг ўғлига тенг эди.

Боғбон

Гар ит узумига май бирла берса сув,
Бу тарбият била қила олғайму ани ток.
Қандай яхши айтган.

Темирчи

Эл айбини айтурға бировким узотур тил,
Уз айбини фош айлагали тил узотур, бил.
Шундай истеъодони хўрлаган кўзга албатта чўп ту-
шади. Сизлар қаерликсизлар?

Самандар

Биз ҳар ерлик, мен Астрободдин, бу оғамиз Бадах-
шондин, бу йигит Машҳаддин, мана бу йигит эса, (На-
воийни кўрсатиб) Ҳиротдин.

Боғбон

(Навоийга қараб)
Сиз Навоийни кўрганмисиз?

Навоий

Кўрганмен, шеърларини ўқиганмен, анчасини ёд би-
лурмен, мана бири:

Ёр ила бир хилват истарменким, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Элдин андоқ яширин истармен ул хилватниким,
Кўнгул андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Булки, дерлар бордуур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Б оғ б о н

Бу биз эшитмаган ғазал экан, янги ёзган бўлса ке-
рак. Ҳай-ҳай, жуда гўзал, муболағани ҳам роса топибди.

Н а в о и й

Бахши оғамиз ҳам ўз ижоди билан бизни мамнун
қилсалар.

Т е м и р ч и

Золимлар ҳақидаги термангни айт.

Б а х ш и

(Дўмбира билан айтади)

Дукур-дукур от келур, ҳар томондан дод келур,
Қишлоққа меҳмон эмас, раҳми йўқ жаллод келур.
Келиб тутди Олимни, турқи қурсин золимни,
Дорга осиб ўлдирди — дўсту қадрдонимни.
Золим эди беш киши, биз эса беш юз киши,
Томошадин ўзага бўлмади ҳеч ким иши.
«Ур» дегувчи бўлмади, «сур» дегувчи бўлмади,
Золимга қарши «энди юр» дегувчи бўлмади.
Оқ калтагу кўк калтак, бўлиб ҳаммамиз бирдак,
Агарда бош кўтарсан, бўларди элга ўрнак.

Н а в о и й

Раҳмат оға, халқимиз орзуси-қўшиқ термаларида до-
им барҳаёт. Мулла Соҳиб, ҳадеб ёзма шеърларни кўчи-
риб китоб қилмасдин, ҳалқнинг оғзаки эртак, ўлан, қў-
шиқ термаларини ҳам йифиб, китоб қилишга бел бօг-
ласангиз улуғ иш қилган бўлардингиз. (Қулмуҳаммад,
Каримбердилар киришади).

Қулмуҳаммад

Ассалому алайкум! Алишер, саломат келиб олдингизми?

Боғбони

Мавлоно Навоий ўзлари эканлару бизга ҳазил қилибдиларда, энди кўришиб қўяйлик. (Кўришади).

Навоий

Авф этинглар, менинг ҳақимдаги юрак сўзларингизни эшитмоқчи эдим, холос, мени билиб қолсаларинг бунча гапни айтмас эдиларинг.

Бадахший

Мавлоно Навоий, бу айрилиққа қандай кўнглим бардош бераркин.

Навоий

Мен туфайли отахоним ва Сиз озор топганларингиздин жуда хижолатдамен.

Бадахший

Биз саройдин кетганимизга хурсандмиз, фисқу фасоддин қутулдик, бунга нима етсин, тўғрими, Мавлоно Қулмуҳаммад?

Қулмуҳаммад

Албатта, биз Сизга қайғиряпмиз, мусофирилик ҳаёт — булоқдек қайнаётган ижодингизни сустлаштиурми деб ташвишдамиз, Алишер.

Навоий

Асло, отахон, ҳар қандай ҳолда ҳам ижодимни давом эткизурмен.

Темирчи

Алишер, ғанимингизни айтсангиз, ўз қўлим билан ясаган Шамширда бошини танасидин жудо қилсан. Мени нима қиласа қилишар, кексайдим, ўлимдан қўрқмаймен.

Навоий

Менга муҳаббатингиз учун раҳмат, отахон, менинг душманларимни ўлдириб тамом қилиб бўлмайди, ўзингиз саломат бўлинг. Азиزلар, энди йўлга чиқай, жўнаш муҳлатидан беш кун ўтиб кетди. Отахон, мана бу мактубни устоз Саид Ҳасан Ардашерга топширасиз, унга ҳолатимни баён қилдим.

Соҳиб

Устоз, мен Сизга бир совға ҳозирладим.

Навоий

Қани, кўрайлик бўлмасам.

Соҳиб

Мана, девонингиз тайёр. Самарқанддай улуғ даргоҳга лойиқ тухфа бўлади бу.

Қулмуҳаммад

(кўриб)

Девон муборак, Алишер! (Ҳамма бу сўэни қувонч билан такрорлайдилар)

Навоий

Қуллуқ. Мулла Соҳиб, асло унутмайдиган иш қилдингиз, чунки, биринчи китобини кўрган шоир шодлигини ортиқроқ шодлик, жаҳонда бўлмас.

Соҳиб

Бу шогирдлик бурчим, шуни адо этдим устоз.
(Уч-тўртта навкар билан бир бек пайдо бўлади)

Бек

Ҳали ҳам йўлга чиққанингиз йўқми? Шоҳ фармони сизга ўйинчоқми. Ҳом хаёл қилманг, Бойқарога қўшилишга йўл қўймаймиз. Ҳеч йўғи шоҳимиз бирингиздан қутулиб тургани яхши, бўлинг, ўзимиз тегишли ергача элтиб қўямиз.

Навоий

(Мусикия)

Хуш қолинг кўргунча сиз дўсту азиз ёронларим,
Тоғу тош, йўлларда янграб қолгуси гирёнларим.
Халқима қўйган муҳаббат авж олур сургунда ҳам,
Заррача кам бўлмағай кўнглимдаги тугёнларим.
(Ҳаммаси юки тоқ билан чиқишиади, Гули ичкаридин чиқиб Навоийга яқинлашади).

Аҳли ишқларнинг ишончи, тоғи бардешу сабр,
Сабри қил сен ҳам десанг ҳеч қолмасин армонларим.
Дод, минг дод, бу оғир ҳолимга бепарво фалак,
Интизорликда ўтар бўлди гўзал давронларим.

(Ўйга толади)

Не додим бор, кўнгулдин нари чиқмас,
Вале чиқса, девордин нари чиқмас.
Иложим йўқтур ўзга йиғламоқдин,
Бўлиб пинҳон кўнгулни тиғламоқдин.
Бу янглиқ ожиза бир сунбулингни,
Қафас ичра етилган оқ гулингни.
Умидим шулки, эслаб ёд этарсен,
Ёзиб хат, ғамли кўнглим шод этарсен.

Н а в о и й

Менга ғурбатда ёдинг таскинимдур,
Кўнгулда меҳри ишқинг тошқинимдур.
Сени орзу қилиб унда яшармен,
Ўзинг бирла хаёлан сўзлашармен.
Хайр, Гулум, иккимизга дийдор кўришмоқни насиб
этсин худойим!

Ҳ а м м а

(Хор айтишади)

Хайр энди Самарқандга,
Ой бориб, омон қайтинг,
Қелганда Хуросонга
Бир яхши замон, қайтинг.
Кўз йўлга ниғорондур,
Гар Сизга нажот етса,
Бир лаҳза кечикмасдин,
Хиротга равон қайтинг.

(Хор давомида ҳаммалари Навоийни кузатиб чиқи-
шади).

1967—1968 йил. А н д и ж о н .



С 35

Саъдулла В.

Хўросон юлдўзи. (Драматик поэма).
Т., «Ёш гвардия», 1972.
140 б. расм.
I. Навои Алишер, о нем.

Ўз

7-4-3

На узбекском языке
ВОСИТ САГДУЛЛА
ЗВЕЗДА ХОРАСАНА

Издательство „Ёш гвардия“— Ташкент — 1972

Редактор Минходжиддин Ҳайдаров
Рассом В. Кайдалов
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Л. Шишикина
Корректор М. Мирзаев

Босмахонага берилди 1/VI-71й. Босишига рухсат этилди
10/II-1972 й. Формати 70×108^{1/2}. Босма листи 4,375
Шартли босма листи 6,12 Нашр листи 4,8 Тиражи 10000

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети „Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент, Навоний кўчаси, 30. Шартнома № 75-68. Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент,
„Правда Востока“ кўчаси, 26. Заказ № 904. Баҳоси 39 т.
Қогоз № 2 Р-04184
